

ХФР

1918-йил
21-йундан чиқа
бoshlagan

№32, 2022-йил
10-avgust,
chorshanba (32.726)

Ўзбекистон ОҶОҶИ

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Barchaga g'amxo'rlik — davlatning burchi

ХАЛҚАРО ТРАНСПОРТ ЙЎЛАКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 9 август кuni халқаро транспорт йўлакларини ривожлантириш ва диверсификация қилиш бўйича тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда саннат, тадбиркорлик тобора ривожланиб бормоқда. Йил бошидан буён 50 мингта янги корхона ташкил топган, экспортёрлар сони 7 минг 500 дан ошган. Экспорт ҳажми ўтган йилга нисбатан 1,3 бараварга кўпайиб, 8 миллиард 200 миллион долларга етган.

Иқтисодиётда ишлаб чиқариш қанчалик муҳим бўлса, маҳсулотни етказиб бериш ҳам шунчалик аҳамиятли. Айниқса, ҳозир дунёда логистика муаммолари авжга чиққан вазиятда бу ўта долзарб ҳисобланади.

Шу боис давлатимиз томонидан экспортчи корхоналар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Бу йил юртимиз маҳсулотлари 32 та янги бозорга кириб борди. Жаҳон савдо ташкилотига кириш бўйича ишлар ҳам жадаллашмоқда.

Дунёда юк ташиш харажатлари ошганини инобатга олиб, экспортёрларга бу харажатларни қисман қоплаш учун давлат томонидан 170 миллиард сўм компенсация берилди. Шунингдек, Европага тайёр маҳсулотлар экспорт қилувчи корхоналарга транспорт харажатлари учун субсидия миқдори 50 фоиздан 70 фоизга оширилди.

Мамлакатимиз маҳсулотлари хорижга, асосан, 9 та транспорт йўлаги орқали ташилади. Тақдимотда ҳар бир транспорт йўлаги бўйича долзарб масалалар ва уларни ҳал этиш юзасидан таклифлар муҳокама қилинди.

– Транспорт соҳасини ривожлантириш иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун муҳим замин. Транспортда юк ташиш таннархи паст бўлса, ҳам экспорт, ҳам инвестиция кўпаяди, – деди Шавкат Мирзиёев.

Транспорт вазирлигига тадбиркорлар учун энг мақбул йўллари таклиф этиш ва уларнинг транспорт харажатларини қисқартириш вазифаси қўйилди.

Европага экспорт юкларини ташиш учун қўшимча рухсатлар олиш муҳимлиги таъкидланди. Автомобилда юк ташиш учун Покистон ва Туркменистон билан қўшма транспорт компаниялари ташкил этиш таклифи билдирилди.

“Қўнғирот – Бейнов” халқаро автомобиль йўли реконструкциясини жадаллаштириш, юк вағони ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ишга солиш бўйича кўрсатмалар берилди.

ЎЗА



ҚОНУН КЕРАК

4 САҲИФА



ГҶШТ ЕТАРЛИМИ?

РАСМИЙ РАҚАМЛАР,
ОДАМЛАР НИМА
ДЕЙДИ?

6 САҲИФА

ШАХМАТ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИГА

Қадрли шахматчилар!
Азиз фарзандларим!

Аввало, сиз, азизларни ва сизларнинг тимсолингизда кўп миллатли халқимизни мамлакатимиз ҳаётида улкан қувончли воқеа – Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида ўтказилган 44-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида ҳар томонлама муносиб иштирок этиб, Олимпиада чемпиони деган юксак шарафга сазовор бўлганингиз билан чин қалбимдан самимий табриклаб, ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилақларимни изҳор этаман.

Сизлар дунёнинг манамен деган шахмат усталари иштирокида ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган, 188 та жамоа қатнашган ушбу энг нуфузли шахмат мусобақасидаги улкан ғалабангиз билан мамлакатимиз спорт тарихида янги саҳифани очиб бердингиз.

Бутун халқимиз дунёдаги ана шу мусобақаларда сизларнинг ҳар бир баҳсингизни “ойна жаҳон” ва Интернет орқали катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатиб борди.

Ўз навбатида, интеллектуал салоҳияти юқори бўлган ёш шахматчиларимиз ҳам бундай юксак ишонччи оқлаб, халқимизга ёрқин ғалабаларни тортиқ этдилар.

Ҳеч шубҳасиз, сизларнинг бу улкан ға-

лабангиз Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллик шонли байрамига муносиб совға бўлди.

Ушбу мусобақада юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Нодирбек Абдусатторов, Нодирбек Ёқуббоев, Жавоҳир Синдоров, Жаҳонгир Воҳидов, Шамсиддин Воҳидов каби ўғлонларимизнинг истеъдодига бутун дунё яна бир бор тан берди.

Айниқса, Жаҳонгир Воҳидовнинг сўнгги ўйиндаги ғалабаси терма жамоамизнинг тарихий ғалабасини таъминлади.

Шуни алоҳида ғурур билан таъкидлаш кераки, спортнинг шахмат турида бутун дунёда ном чиқарган Ҳиндистон, АҚШ, Арманистон, Нидерландия, Испания, Буюк Британия, Германия каби давлатлар вакиллари иштирок этган ушбу олимпиадада терма жамоамиз аъзолари ҳар томонлама муносиб иштирок этиб, биронта ўйинда ҳам мағлубиятга учрамади.

Сизлар шу тариқа ўзбек шахмат мактабининг шон-шухратини юксак босқичга олиб чиқдингиз. Сизлар каби азму шижоатли, ватанпарвар ёшлар энг катта бойлигимиз, миллатимизнинг “олтин фонди”, десам, ўйлайманки, бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан.

Мана шундай зукко ва катта салоҳият-ли ўғлонларни тарбиялаб вояга етказгани

учун ота-оналарингиз ва устозларингизга чин юракдан ташаккур изҳор этаман.

Ўзбекистоннинг шахматчи қизлари ҳам ушбу халқаро мусобақада муносиб иштирок этиб, ўзларининг салоҳияти баланд эканини яққол намойиш қилдилар. Шу ўринда уларга ҳам чин қалбимдан тасанно айтаман.

Бугун ғолиб ва совриндор спортчиларимизни тайёрлашда чинакам фидоийлик кўрсатган терма жамоамизнинг тажрибали мураббийлари Иван Соколов, Владимир Егинга ҳам ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни билдираман.

Сизларнинг бугунги мисли кўрилмаган ғалабангиз юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш, жисмоний тарбия ва спорт, хусусан, шахмат соҳасига берилаётган катта эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин амалий натижасидир.

Ишончим комилки, 2026 йилда Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида ҳам мамлакатимиз вакиллари муносиб иштирок этиб, юқори марраларни забт этади.

Юксак ғалаба ана бир бор барчангизга муборак бўлсин, азиз фарзандларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



БУЮК ҒАЛАБА

44-бор ташкил этилган Бутунжаҳон шахмат олимпиадасига ушбу спорт турининг ватани Ҳиндистон мезбонлик қилди. Жанубий Осиёнинг Ченнай шаҳри. Мазкур шаҳарда ўн икки кун давомида дунёнинг 180 дан ортиқ давлатидан келган шахматчилар чемпионлик учун баҳс олиб борди.

Эркалар ва аёллар жамоасидан иборат Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари кўлга киритган ютуқлари барча юртдошларимизга қувонч улашди. Юрагида Ватан туйғуси бор барча ҳамюртларимиз “Ээ, яшаворинлар, азаматлар”, деб олқишлашди. Эркалар жамоаси шарафини ҳимоя қилган беш нафар шахматчимиз ўттиз беш миллион аҳолиси бор давлатнинг фахрига айланди.

Ўн битта ўйин. Миллионлаб ҳаяжон, олимпиаданинг биринчи баҳсида Непални мағлуб этган терма жамоамиз яқунда нидер-

ландияликлардан ҳам устун келди. Мусобақа якунига кўра, шахматчиларимиз биронта жамоага мағлубиятга учрамади ҳамда 17 очко билан биринчи ўрин соҳиби бўлишди.

Олимпиада давомида Германия, Арманистон, айниқда, мезбон Ҳиндистон термаси билан бўлган беллашувлар мурасасиз ўтди.

6-турда Ҳиндистоннинг асосий жамоаси билан ўтган мураккаб ўйинда спортчиларимиз ўзларининг маҳоратларини намойиш этишди. Ушбу турда биринчи тахтада ўйнаган Нодирбек Абдусатторов Ҳиндистоннинг энг кучли шахматчиларидан бири, дунё рейтингда 25-ўринда бораётган Пентала Харикришна билан кечган жиддий ўйинда имкониятни бой берди. Бирок, Нодирбек Ёқуббоев ва Жавоҳир Синдоров дурангга эришган бир пайтда Жаҳонгир Воҳидов Кришнан Сасикиранны мағлубиятга учратиб, чемпионликка бўлган умидни яна қайтарди.

Давоми 3-бетда. ▶

JARAYON

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

ДЕМОКРАТИК МЕЗОНЛАРГА СОДИҚЛИК ФАЗИЛАТИ

Кейинги йилларда рўй берган кенг қамровли ўзгаришлар, янги демократик меъёрлар фаол фикр-мулоҳаза, изчил мулоқот муҳитини юзага келтирмоқда. Бу борада миллий парламентимизнинг ҳар икки палатаси ўзига хос демократия мактабига айланмоқда. Очиқлик, сўз ва муносабат эркинлиги парламент фаолиятига чуқур сингир бормоқда. Ҳар бир қонун лойиҳаси, ҳар бир ахборот ёки ҳисобот атрофлича муҳокама этиляпти. Парламент палаталарининг мажлислари ОАВда, ижтимоий тармоқларда тўғридан-тўғри бериб борилиши эзгу демократик анъанага айланяпти.

Тўғриси айтиш керак, биз, журналистлар авваллари Олий Мажлисда қачон, қандай масалада йиғилиш бўлганини бир хил пайтлар билмай ҳам қолардик. Ичкарида ҳам ҳаво қандайдир оғирдай туюларди. Ҳозирги ҳолат бутунлай бошқача. Нафақат палаталар мажлислари, балки парламентнинг аксарият аъзолари журналистлар учун очиқ. Тўғри, ҳали натижалар зўр бўлмаслиги мумкин. Лекин, энг муҳими, жараён бор, табиийлик бор.

Парламентдаги айрим йиғилишлар ижтимоий тармоқларда фаол муҳокама қилиняпти, баъзи ўринларда ҳаяжонга тўла муносабатлар билдириляпти. Ҳамма бир хил ўйламайди, ҳар кимнинг ўз дунёқараши, фикри бор. Бу – демократиянинг олтин қондаси. Парламентимиз ушбу масалада ҳам бағрикенглик, вазминлик билан очиқликнинг

масъулиятини тушуниб, зиммасига олиб, фаолият юритаётгани кўнгилни кўтарайди, ўз навбатида бутун жамиятга ўзига хос ибрат намунасини кўрсатади.

Ривожланган давлатларда парламент ҳар доим назарда бўлади, фикрлар, қарорлар, хулосаларга жамоатчилик томонидан фаол муносабат билдирилади. Бу табиий, мамлакат ва халқ учун жуда керак жараён. Кейинги кўнларда парламент палаталаридаги йиғилишлар ҳар хил даражада, айтиш керакки, турлича савияда муҳокама бўляпти. Айрим масалалар нотўғри талқин этилган, анча енгил ёндашилган ҳолатлар ҳам кузатиляпти. Бир нарсани ҳисобга олиш керак. Парламент аъзоларида бўлгани каби жамоатчиликда, журналистларда ҳам мослашиш, очиқлик муҳитига кўникиш жараёни рўй берапти. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланаётганига гувоҳ бўляпмиз, албатта, унда ижобий натижалар, сабоқ олинган ҳолатлар ҳам бор.

100 йиллик тарих, аччиқ сабоқлар ва муайян қадриятларга эга таҳририятимиз парламент палаталарининг очиқлик, одил демократик мезонларга содиқлик борасидаги муҳим, шу билан бирга, мураккаб фаолиятини қўллаб-қувватлайди.

Таҳририят жамоаси.

ҲАР БИР ОИЛА УЧУН
КЕРАК ВА МУҲИМ ҲУЖЖАТ

ЎТГАН ҲАФТАДА ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ БИР ҚАТОР МУҲИМ ҚОНУНЛАРНИ МАЪҚУЛЛАБ, ЯНА АЙРИМ ҚОНУНЛАРНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ КЕРАКЛИГИ ҲАҚИДА ХУЛОСА БЕРДИ. ЛЕКИН БУ ЎША ҚОНУНЛАРНИНГ ЗАРУРЛИГИ ЖИҲАТИДАН АҲАМИЯТИНИ ТУШИРМАЙДИ. УЙ-ЖОЙ КОДЕКСИНИНГ ЯНГИ ТАҲРИРИ АНА ШУНДАЙ МУҲИМ ҚОНУНЛАРДАН БИРИДИР.

Нима учун?

Ҳамма билиб турибди, кейинги йилларда давлатнинг уй-жой сиёсатида изчил ўзгаришлар юз берди. Хусусан, эҳтиёжманд аҳоли қатламларини уй-жой билан таъминлаш мақсадида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бозор муносабатларига ўтиш турар жой биноларидан шартнома асосида фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишнинг янги ёндашувлари ва механизмларини шакллантиришга ёрдам берди. Уй-жой муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини ўз ичига олган амалдаги Уй-жой кодекси нормалари ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб бермай қолди.

Уй-жой муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг яхлит тизими мавжуд эмаслиги сиёсатни тизимли амалга оширишни мураккаблаштирмоқда.

Қонунчиликдаги ҳолатлар уй-жой соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, амалиётда ўз аҳамиятини йўқотган ҳамда аҳолининг эҳтиёжлари ва замон талабларига жавоб бермайдиган нормаларни бекор қилиш, уй-жой муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини тўғридан-тўғри Уй-жой кодексида акс эттириш заруряти ҳам мавжуд эди.

Шу ва бошқа муҳим масалаларга ҳуқуқий ечим топиш мақсадида Уй-жой кодексининг янги таҳрири ишлаб чиқилган. Бир қатор ижобий ўзгаришлар кўзда тутилган.

Биринчидан, кодекснинг янги таҳрири қабул қилиниши натижасида уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тўғридан-тўғри амал қилиши таъминланади.

Иккинчидан, соҳада давлат назорати механизмлари ўрнатилди, давлат ва жамоат эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, қурилиш, реконструкция қилиш ва бузиш ишларини амалга ошириш тартиби янада такомиллаштирилади.

Учинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг уй-жойдан фойдаланишда қонунчилик ва норматив ҳужжатларга риоя этишдаги масъулияти ошади.

Тўртинчидан, уй-жой объектларини қуришга тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилишга эришилади.

Бешинчидан, уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган изчил давлат уй-жой сиёсати амалга оширилади.

Энг муҳим жиҳатлардан яна бири, Уй-жой

кодексининг фуқаролик қонунчилиги билан чегараси аниқ белгиланмоқда. Яъни, турар жойга бўлган мулк ҳуқуқи, унинг вужудга келиш тартиби, кўп квартиралар уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларининг умумий мол-мулки, ўзбошимчилик билан иморат қуриш ва унинг оқибатлари, уй-жой ижараси, турар жойни ижарага бериш ҳақи, турар жойни алмаштириш ва айирбошлаш каби фуқаролик қонунчилиги билан тартибга солинадиган масалалар мазкур кодексдан чиқарилмоқда.

Қонун ҳужжатлари нормалари тўғридан-тўғри амал қилинишини таъминлаш мақсадида уй-жой муносабатларига оид масалалар тартибга солинмоқда. Хусусан, турар жойларни нотурар жой тоифасига ўтказиш ёки нотурар жойларни турар жой тоифасига ўтказиш, боғдорчилик ва бошқа ер участкаларида жойлашган иморатларни уйлар, деб тан олиш тартиби ва асослари, мерос қилиб қолдирилмаган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида берилган ер участкаларида турар жой қуриш, мулк ҳуқуқи ёки фойдаланиш ҳуқуқи асосида юридик шахсларга тегишли бўлган ер участкаларида турар жой қуриш асослари ва тартиби, мулкдор оила аъзоларининг, шунингдек, у билан доимий яшаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мулкдор ва унинг собиқ оила аъзоси ўртасидаги муносабатлар тартибга солинмоқда.

Шунингдек, ётоқхоналардан жой бериш асослари ва тартиби, ётоқхонадаги турар жойлардан фойдаланиш, ушбу турар

жойлардан кўчиришга оид қоидалар, вақтинчалик уй-жой фондининг турар жойларини бериш ва ундан фойдаланиш тартиби, ногиронлиги бўлган шахслар, кексалар, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун бериладиган махсус уйлар, жумладан, "Мурувват" ва "Саховат" интернат уйларининг, "Меҳрибонлик" уйларининг мақоми ва улардан турар жой бериш тартиби, уй-жойни реконструкция қилиш (қайтадан қуриш, қайта режалаштириш)га оид умумий қоидалар акс эттириляпти.

Қолаверса, уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож фуқароларни турар жой билан таъминлашнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш шакллари ва уларнинг мазмуни очиқ берилмоқда. Жумладан, ипотека кредити бўйича давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар тўлаш, намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қуриш ва уларни сотиш, аҳолининг алоҳида тоифалари учун турар жойлар қуриш ва уларни сотиш, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жой билан таъминлаш, ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органлари ходимлари ва бошқа айрим тоифадаги давлат хизматчиларини уй-жой билан таъминлашни тартибга солувчи алоҳида боллар киритилмоқда.

Уй-жойни сақлаш харажатларини ва коммунал хизматлар ҳақини тўлаш, уй-жой фондини бошқариш билан боғлиқ қоидалар бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, такомиллаштириляётгани ҳам аниқ пайтда долзарб аҳамиятга эга.

Юқорида саналган масалалар ҳуқуқий тизимга солиниши мамлакатимиздаги ҳар бир оила, ҳар бир фуқарога тааллуқли бўлади. Уй-жой кодекси ёшидан, касбидан, ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, ҳаммага бирдек тегишли ҳужжат. Унинг янги таҳририда, фуқароларга қўлайлик яратадиган ҳолатда қабул қилиниши жуда муҳим. Халқимиз бу кодексга анча муҳтож.

Олий Мажлис Сенатида кодексдаги айрим меъёрларни янада аниқлаштириш билан боғлиқ асослар ҳам келтирилгани қайд этилади.

Хусусан, кодекснинг 23-моддасида уй-жой фондидан фойдаланувчи устидан давлат назорати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилиши белгиланмоқда. Шунингдек, кодекснинг 38-моддасида кўп квартиралар уйдаги турар жой ўзбошимчилик билан реконструкция қилиниб, олдинги ҳолатига қайтирилиши тўғрисидаги талаб ўз вақтида бажарилмаса, ваколатли орган мазкур талабни даъво билан судга мурожаат қилиши белгиланган. Бироқ кодексда ваколатли давлат органлари ва уларнинг ваколат доираси аниқ кўрсатилмаган. Бу ҳолат амалиётда турлича талқин қилинишига олиб келиши мумкинлиги айтиб ўтилади.

Кодекснинг 35-моддасида мулкдорлар билан келишувга кўра, шартнома асосида турар жой қонунчилигида белгиланган тартибда бузилиши ва унинг ўрнига янги турар жой қурилиши мумкинлиги, шартнома эса нотариал тартибда тасдиқланиши ва тегишли тартибда турар жойни қуриш учун тегишли рухсатнома олгандан сўнг кучга кириши белгиланган. Таҳрирда ушбу моддада шартнома тарафлар кимлиги, шартноманинг қайси тури ҳақида сўз юритилаётганиги номатълум бўлиб қолган. Агар унда қурилиш пудрати тўғрисидаги шартнома назарда тутилган бўлса, бу турдаги шартнома учун фуқаролик кодексининг тегишли бобига асосан нотариал тасдиқлаш тартиби назарда тутилмаган. Шу сабабли бу моддани қайта кўриб чиқиш лозим бўлиши қайд этилган.

Уй-жой кодексида улш киритиш асосида қуришни тартибга солувчи нормалар киритиш зарурати мавжудлиги таъкидланди. Шунингдек, қонун лойиҳасида келтирилаётган 90 дан ортқ ҳаволаки нормалар эртага тор доирадаги идоравий манфаатларга хизмат қилиши учун воситага айланиб қолиши мумкинлиги боис уларни қисқартириш таклифи берилди.

Сенат томонидан билдирилган таклиф ва фикрлар бўйича, албатта, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ҳам ўз муносабати ва хулосалари бўлади. Бундай ҳолатларда қонунчиликка мувофиқ равишда қилинади.

Олий Мажлис Сенати томонидан рад этилган қонун Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қайтарилади. Қонун юзасидан Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартафоз этиш учун ҳар икки палата аъзолари орасидан тенглик асосида келишув комиссияси тузилиши мумкин. Палаталар келишув комиссияси таклифларини қабул қилганда қонун одатдаги тартибда кўриб чиқилади.

Қонун бўйича парламент палаталари томонидан ўзаро ҳамкорликда, ҳамжихатликда иш тутилиши, саволларга биргаликда жавоб изланиши қонун ижодкорлигининг бир қисми ҳисобланади. Бундай ҳамкорлик қонунларнинг мукамал бўлишига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари кафолати кучайишига хизмат қилади.

Гулруҳ ОДАШБОВЕВА,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

YANGI QONUN

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi info@uzbovozi.uz www.uzbovozi.uz

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ — ХАЛҚ ХИЗМАТЧИСИ

РИВОЖЛАНИШГА, МИЛЛИОНЛАБ ОДАМЛАРНИНГ КАЙФИЯТИГА, ИШЧАНЛИК РУҲИГА САЛБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТАДИГАН КЎПЛАБ ОМИЛЛАР БОР. ТАНИШ-БИЛИШЧИЛИК, МАНФААТПАРАСТЛИК, УНДАН УГИНА, БУНДАН БУГИНАЧИЛИК, ХОДИМНИНГ ИНСОНЛИГИ, ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИ, ИШДАН ТАШҚАРИ ВАҚТЛАРИ ЭРКИНЛИГИНИ ҚАДРЛАМАСЛИК КАБИ МАВЗУЛАР ҲАР БИРИМИЗГА ТАНИШ. ҚОНУНЛАРНИНГ МУҲИМЛИГИ ШУНДАКИ, БАЪЗИДА СУЯККА ҲАТТИ ҚОЛГАНДЕК ТУЮЛАДИГАН ИЛЛАТЛАРДАН ДАВОЛАШГА ҲАМ МАЖБУР ҚИЛАДИ.

Кун кеча Президент имзолаган "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги қонун ана шундай даволовчи қонунлардан бўлиши кутилмоқда. Бу кўп кутилган қонун, инсон қадрини, давлатнинг ҳурматини оширадиган ҳам қонун. У уч ойдан кейин кучга, ҳаёти-мизга кириб келади.

"Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги қонун 118 мингдан ортиқ давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолияти билан боғлиқ барча муносабатларни ягона қоидалар асосида тартибга солади.

Қонун билан давлат хизматчилари томонидан:

— **ЯҚИН ҚАРИНДОШЛИҚДА БЕВОСИТА БЎЙСУНУВ ОСТИДАГИ ЛАВОЗИМНИ ЭГАЛЛАШ;**

— **ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ;**

— **ЎЗ ХИЗМАТИНИ БАЖАРИШИ ЭВАЗИГА ФУҚАРОЛАРДАН МУКОФОТ ОЛИШ;**

— **ЎЗБЕКИСТОНДАН ТАШҚАРИДА ҲИСОБВАРАҚЛАР ОЧИШ;**

— **ЧЕТ ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИГИНИ ОЛИШ КАБИ ҲОЛАТЛАРГА ЧЕКЛОВ ЎРНАТИЛДИ. ШУНИНГДЕК, КОРРУПЦИЯГА ОИД ЖИНОЯТЛАРНИ СОДИР ЭТГАН ШАХСЛАРНИНГ ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНМАСЛИГИ ВА БОШҚАЛАР БЕЛГИЛАНДИ.**

Айрим қонунларни шарҳлашга тўғри келади, лекин бу қонунни кўпчилик тушунишга қийиналмайди. Унинг мақсади, адолатпарвар руҳини дарров хис қилади.

ҚОНУННИНГ АЙРИМ МОДДАЛАРИ БИЛАН ТАНИШИНГ:

14-модда. Давлат фуқаролик хизматчисининг жавобгарлиги

Давлат фуқаролик хизматчисининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шунингдек хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Давлат фуқаролик хизматчисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишига сабаб бўлди деб ҳисобловчи жисмоний ёки юридик шахс бундай ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан юқори турувчи органга ёки судга қилишга ҳақли.

Давлат фуқаролик хизматчисининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жисмоний ёки юридик шахсларга етказилган зарарнинг ўрни қонунчиликда белгиланган тартибда давлат органи томонидан қопланиб, ушбу зарар кейинчалик айбдор бўлган давлат фуқаролик хизматчисидан ундириб олинади.

Давлат органи раҳбарининг ёки мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф топширигини бажариш натижасида давлат фуқаролик хизматчиси томонидан етказилган зарарнинг ўрни қонунчиликда белгиланган тартибда давлат органи томонидан қопланади. Зарар миқдори қонунга хилоф топшириқни берган давлат органи раҳбаридан ёки мансабдор шахсидан регресс тартибда ундирилади.

34-модда. Давлат фуқаролик хизматчиларининг иш вақти

Давлат органида давлат фуқаролик хизматчиси учун беш кунлик иш ҳафтаси белгиланади. Бунда иш вақтининг давомийлиги ҳафтасига қирқ соатдан ошмаслиги керак.

Уч ёшга тўлмаган болалари бор давлат фуқаролик хизматчилари бўлган ота-онасидан бирига (ота-онанинг ўрнини босувчи шахсга) ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган иш вақти давомийлиги белгиланади.

Давлат фуқаролик хизматчиси хизмат фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига қараб, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган иш вақтининг давомийлиги ҳисобга олинган, ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя этилган ҳолда олти кунлик иш ҳафтаси белгиланиши мумкин.

Давлат органи томонидан давлат фуқаролик хизматчиси учун ўрнатилган иш вақтининг давомийлигидан ташқари иш иш вақтидан ташқари иш деб ҳисобланади.

Табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар юз берган тақдирда, давлат органи давлат фуқаролик хизматчисини унинг розилигисиз иш вақтидан ташқари ишга жалб этиши мумкин.

Давлат фуқаролик хизматчиларини иш вақтидан ташқари ҳамда дам олиш кунлари ва ишланмайдиган байрам кунлари ишларга жалб этиш меҳнат тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилган ҳолда, давлат органи раҳбарининг қарори асосида амалга оширилади.

Давлат фуқаролик хизматчисининг иш вақтидан ташқари иши учун компенсация иш вақтидан ташқари ҳақиқатда ишлаб берилган соатларига камида икки ҳисса миқдоридан ҳақ тўлаш ёки ортиқча ишлаган вақтининг давомийлигига мос бўлган қўшимча дам олиш вақти бериш орқали амалга оширилади.



БУЮК ҒАЛАБА

8-турда Германия, 9-турда олимпиаданинг энг кучли жамоаларидан бири – Арманистон устидан қозонилган ғалабадан сўнг, йигитларимиз бутун дунё шахмат олами вакилларининг эътибор марказида бўлди. 10-турда эса Ҳиндистон-2 жамоаси билан ақлбавар қилмас ўйиндаги ҳолат 44-олимпиаданинг беазаги бўлди.

Бу турда Жаҳонгир Воҳидов ва Нодирбек Ёқуббоев қийин вазиятда дуранг натижа қайд этди. Жаҳоҳир Синдоров эса мураккаб партиядо мағлубият аламини татиб кўришга мажбур бўлди. Бирок, жаҳон чемпиони Нодирбек Абдусатторов ҳинд юртининг кучли шахматчисини мағлуб этиши чемпионлик учун ташланган дадил қадам бўлди.

Сўнгги турда Нодирбек Ёқуббоев, Жаҳоҳир Синдоров ва Нодирбек Абдусатторов рақиблари билан мurosага келди. Ҳал қилувчи натижани эса жамоамизга Жаҳонгир Воҳидов тақдим этди. Шахматчимиз бу баҳсда Макс Уормердамдан устун келди ва Ўзбекистонга тарихий ғалабани тортиқ этди. Ушбу ғалабадан сўнг Президентимиз шахматчиларимиз билан телефон орқали гаплашиб, уларни буюк ғалаба билан табриклади. Бу ғалаба мустақиллик байрами арафасида халқимизнинг кайфиятини янада кўтарди.

Мусобақада муносиб қатнашган аёллар терма жамоамиз ҳам 162 та давлат орасида 32-ўриндан жой олишди. Ҳали ёш бўлишига қарамай шахматчиларимиз рақиблари билан тенгма-тенг куч синашди. Уларнинг бу натижаси кейинги мусобақаларга тажриба вазифасини бажариши билан аҳамиятли.

Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси чемпионолари Ўзбекистон Президенти томонидан жорий йил 5 августда қабул қилинган "Шахматни янада омалаштириш ва ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида муносиб тақдирланади.

Унга қўра, чемпион бўлган шахматчиларимизнинг ҳар бирига 600 миллион сўм, уларнинг мураббийига эса 300 миллион сўм пул мукофотлари топширилади.

Бундан ташқари, 2026 йилдаги 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасига Ўзбекистон мезбонлик қилади. Бу эса юртимизда шахматни янада ривожлантиришда муҳим қадам бўлиши, шубҳасиз.

Эътиборлиси, шу кунга қадар Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида Осие китъасида фақатгина Хитой ғалаба қозонган эди. Чин юрти вакиллари ушбу номга нақд 6 марта (1998, 2000, 2002, 2004, 2016, 2018) сазовор бўлган. Ўзбекистон эса бу борада китъанинг иккинчи мамлакатига айланди.

Собик Иттифоқ мамлакатлари орасида фақатгина Россия, Арманистон ва Украина шахмат олимпиадасида ғалаба қозонган. Энди улар орасида Ўзбекистон ҳам бор. Сайёраимизда 200 дан ортиқ мамлакат ичида фақатгина 10 та давлат вакиллари шахмат олимпиадасида зафар кучган, холос. Бугун ушбу рўйхат яна биттага ортиди ва Ўзбекистон ўз номини шахмат тарихига ёздириб қўйди.

◀ Давоми, бошланиши 1-бетда.

Жамшидбек АМИРОВ.

МУЛОҲАЗА

ҲАЁТ БОШҚА, ҚОНУН БОШҚАМИ?

МАМЛАКАТИМИЗДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ОИЛА ИНСТИТУТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДА ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ЗАМОНГА МОСЛАШТИРИШ, ФУҚАРОЛАРНИНГ ТАЛАБ ВА ИСТАКЛАРИНИ ИНОБАТГА ОЛИШНИ ҲАЁТНИНГ ЎЗИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА.

ШУ МАЪНОДА, ДЕЯРЛИ ЧОРАК АСР АВВАЛ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН, БЕВОСИТА ФУҚДЁ СОҲАСИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ОИЛА КОДЕКСИНИ ҲАМ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, АЙРИМ ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ЗАРУРАТИ ЮЗАГА КЕЛГАН.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг жорий йил 21 июнида қабул қилинган, Сенатнинг 4 август кунги йиғилишида рад этилган "Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Ҳукумат томонидан шу мақсадда ишлаб чиқилган эди.

Ҳозирда кенг жамоатчилик томонидан муҳокама қилинаётган мазкур қонун лойиҳасининг мазмуни қанақа, аҳолига қандай қулайликлар яратади, жамиятдаги қандай муаммоларнинг ечимига хизмат қилади, деган саволларга жавоб топиш долзарб бўлмоқда.

Бугунги кунда никоҳ тузиш никоҳланувчилар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига ариза берганидан кейин бир ой ўтгач амалга оширилади. Фақат алоҳида ҳолларда ва узрли сабаблар мавжуд бўлганда ушбу муддатни қисқартиришга йўл қўйилади. Алоҳида ҳоллар ва узрли

сабаблар қонунларда аниқ белгилаб берилмаганлиги сабабли амалиётда бу талаб турлича талқин қилиб келинган ва никоҳ муддати турли асосларга кўра қисқартирилган.

Бундан ташқари, никоҳдан ўтиш учун бир ойлик муддат белгиланганлиги, бу муддатни қисқартириш бирмунча расмиятчилик билан боғлиқ эканлиги кўпчиликнинг никоҳ тузмасдан оила сифатида яшашига олиб келмоқда. Бунинг натижасида юридик жиҳатдан оталикни белгилаш ишларининг сони ҳам ортиб бормоқда.

Муддатни қисқартириш учун асос бўлувчи ҳолатлар аниқ белгиланмаганлиги сабабли қонун нормаси амалиётда турлича қўлланилмоқда.

Хусусан, никоҳдан ўтиш учун ФУҚДЁ органларига 2021 йилда 311 мингдан ортиқ ариза берилган. Шундан 5,8 мингга яқин (1,4 %) аризалар бўйича 3 ой давомида турли сабабларга кўра никоҳ қайд этилмаган бўлса, 2021 йилда қайд

этилган 305 мингдан ортиқ никоҳларнинг 50 мингга яқини (16,5 %) бир ойлик муддат қисқартирилган ҳолда қайд этилган.

Шундан, 23 мингга (46%) ҳомилдорлик, 15 мингга (28,8 %) бола туғилганлиги учун ҳамда 12 мингга (25,2 %) никоҳ касаллик, хизмат сафари ва бошқа сабабларга кўра бир ойлик муддат қисқартирилган.

Бу рақамлар оддий рақамлар эмас, бу рақамлар одамни ўйлантириб қўяди. Қонун бир томонда, ҳаёт ўз томонида қолиб кетмаепти, деган аччиқ савол туғилади.

Никоҳни қайд қилишда қуйидаги салбий ҳолатлар ҳам учрамоқда.

Биринчидан, никоҳни қайд қилишнинг 1 ойлик муддатини турли асоссида, яъни никоҳланувчиларнинг қариндоши бўлмаган шахсларнинг касаллиги ҳақидаги белгиланган тартибда тасдиқланмаган маълумотномалар, келиннинг ҳомилдорлиги аниқ бўлмаган маълумот (УЗИ ҳулосаси), хусусий қорхонанинг хизмат сафари ҳақидаги буйруғи, никоҳланувчиларнинг умумий фарзандлари бўлмаган болаларнинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномалари ва бошқа сабабларга кўра қисқартириш;

Иккинчидан, фуқаролар томонидан ФУҚДЁ органларига сохта тиббий маълумотномалар тақдим этиш; Учунчидан, ФУҚДЁ ва соғлиқни сақлаш органлари томонидан ортиқча қозғовзлик, бюрократия ва коррупциявий ҳолатларга йўл қўйиш;

Тўртинчидан, бир ойлик муддатни қутишни хоҳламаган фуқаролар шаърий никоҳ асосида яшаб, фарзандли бўлгандан кейин ФУҚДЁ органларига туғилганлик ҳолатини қайд этиш учун муурожаат қилишмоқда.

Оқибатда болага нисбатан оталик белгилаш ҳолатлари йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, 2020 йилда 49 мингга яқин оталик белгиланган бўлса, 2021 йилда ушбу кўрсаткич 56 мингдан ортиқни ташкил этган.

"Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасида никоҳ тузиш учун талаб этиладиган бир ойлик муддатни бекор қилиб, тиббий кўрик якунлари бўйича никоҳни қайд этиш, шунингдек, никоҳланувчи шахслар элик ёшдан ошган бўлса ёки никоҳланувчи шахслар ўртасида фарзанд бўлса ёхуд аёл никоҳланувчи шахсдан ҳомилдор бўлган ҳолларда, тиббий кўриқдан ўтишни ихтиёрий этиб белгилаш назарда тутилган эди.

Тақлиф этилаётган янги нормалар никоҳни қайд этиш тартибини янада соддалаштиришга, никоҳланувчи шахсларга қўшимча қулайликлар яратишга ҳамда никоҳни ўз вақтида қонуний расмийлаштириш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, шунингдек, ортиқча расмиятчиликнинг ҳамда коррупцион ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилиши белгиланган.

Сенат томонидан рад этилган ушбу қонун лойиҳасининг изоҳида оила қуришдаги бир ойлик мажбурий муддатнинг мавжудлиги никоҳдан ўтувчиларнинг ўз қарорларини пухта ўйлаб кўришларига, ёшлар томонидан шошма-шошарлик билан никоҳдан ўтишга йўл қўймасликка, уларни оилавий ҳаётга тайёрлашга, мамлакатда ажрашлар сонининг камайишига имкон бериши мумкинлиги жиҳатидан талқин қилинган. Лекин, ўзи 1 ойлик мажбурий муддат

шундоқ ҳам амалиётда инсон омилини рағбатлантирадиган, коррупция учун шарт-шароит яратадиган норма эди. Тиббий кўриқдан ўтиш талабларига қанчалик амал қилинаётгани ҳолати ҳам қувонарли эмас.

Амалдаги норма ҳақиқатда иш-лаятими? Ишлаётган бўлса, шунча ирсий касалликлар билан туғилаётган болалар қаердан пайдо бўляпти? Бу норма коррупцияни рағбатлантирмайпти? Ажралишлар, бошқа оилавий муаммоларни бартараф этишда ушбу норма ҳақиқатда ёрдам бераётими?..

Халқаро амалиётда тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича тадқиқотлар, амалий мисоллар етарлича. Қандайдир бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун инсонларга чекловлар қўйилиши акс таъсир этиб, ўша кўнгилсизликларни кўпайтиришга хизмат қилиши ҳам мумкин.

Ўйлашмича оила қуришдаги бир ойлик мажбурий муддатнинг мавжудлиги қоидада эҳтимол, 1998 йилда никоҳланувчилар яхшилаб ўйлаб кўриши учун киритилмаган. Ушбу муддат Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларига ариза берганларнинг бошқа никоҳи борми-йўқми, шуни текшириш учун керак бўлган. Бунинг учун ҳамма ФУҚДЁга хат чиқарилиб, жавоби кутилган. Ҳозир буни электрон тизим орқали санокли дақиқаларда аниқласа бўлади. Шу сабабли бу қоида ўзининг асл функциясини бажармаётганлиги учун бекор қилиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Бобур Мирзо ТҶУХТАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси катта референти.

IJTIMOIIY HIMOYA

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

ЎТГАН ҲАФТА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА "ДАВЛАТ ҲИСОБИДАН ЮРИДИК ЁРДАМ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ БИРИНЧИ ЎҚИШДА ҚИЗГИН МУҲОКАМА ЭТИЛДИ. СЎЗ ОЛГАН, САВОЛ БЕРГАН АКСАРИЯТ ДЕПУТАТЛАР МАСАЛАНИНГ МУҲИМЛИГИ, ЛЕКИН ЮРИДИК ЁРДАМНИ КЎРСАТИШ МЕХАНИЗМИДА МУАММОЛИ ЖИХАТЛАР БОРЛИГИ ҲАҚИДА ГАПИРДИ. ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ КЕРАК, ЛЕКИН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУР.



ҚОНУН КЕРАК

Давлат ҳисобидан ким юридик ёрдам олади? Албатта, кам даромадли фуқаролар, oilалар. Фуқаронинг устувор ҳуқуқлари хавф остида масаласига келганда, давлат фуқарони ҳимоялаш учун ўз ҳисобидан адвокат беради. Пули бор одам белгиланган тартибда адвокатга мурожаат қилади, шартнома асосида ҳақини тўлайди ва ишини битириб олаверади. Аммо имконияти йўқ одам сарсон ва овора бўлади. Ҳуқуқларини тиклаш учун кўп сарғайишига тўғри келади. Қонун лойиҳасида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича амалиётда юзага келаётган муаммоларни тизимли ҳал этиш кўзда тутилган.

Хусусан, Ўзбекистонда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестри фаолияти йўлга қўйилади. Бу орқали адвокатларни тизимга киритишнинг очиқ ва шаффоф механизми белгиланмоқда. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, ахборот-коммуникация технологияларининг имкониятларидан фойдаланиб, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни инсон омилсиз электрон тизим орқали тасодифий танлаш тартиби жорий этилиши кутилмоқда.

Лекин лойиҳада айрим масалалар тўлиқ очиб берилмаган ҳам таъкидланган эди. Масалан, маъмурий ишларда жавобгарлик кимнинг зиммасида экани, фуқаронинг аризаси қаноатлантирилмаса, у кимга шикоят ёки мурожаат қилиши ҳақидаги меъёрлар ўрин олганга қайд этилди.

Масаланинг бошқа жиҳатлари ҳам бор. Адвокатлар ушбу тизимда ўз хоҳишларига кўра ишлаши мумкинлиги белгиланмоқда. Аммо иш сифати, адвокатлар савияси ҳамда масъулияти ҳақида аниқ талаблар кўрсатилмаган. Мисол учун, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаро адвокатлик кўмагини олди ва ариза эгасига аризмаган хато ёки билимсизлик натижасида ёрдам бера олмайди, дейлик. Натижада эса фуқаро самарали адвокатлик хизматидан фойдалана олмайди. Қонунга кўра, иш ниҳоясига етгач, ҳақ тўланади. Бундан келиб чиқадики, аризачининг мушуқлини осон қилади-йўқми, адвокат пул олади. Хизматдаги самарадорлик масаласи очиқ қилиб кетгани эътирозга сабаб бўлди.

Узоқ давом этган муҳокамалардан кейин иккинчи ўқишга камчиликлар тўлдирилиши зарур, деган хулосага келинди. Айрим депутатлар қатъий танқидий фикрлар ҳам билдирди. Лекин фақат танқид билан иш битмаслиги, тақлиф ва мулоҳазалар асосида лойиҳани такомиллаштириш керак, деган хулоса кўпроқ қўллаб-қувватланди.

Бу қонун лойиҳаси Халқ демократик партияси учун жуда долзарб аҳамиятга эга. Партиямиз фракцияси аъзоларининг фикри, муносабати қандай?

Дилбар МАМАЖОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Ҳар бир давлатда аҳолига малакали ҳуқуқий ёрдам тизими бўлиши, у фуқароларнинг оғирини енгил қилиши лозим. Мамлакатимизда бу борада замин яратилган, эндиликда ушбу тизимни такомиллаштириб бориш долзарб масалалардан биридир.

"Давлат ҳисобидан юридик ёрдам тўғрисида"ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқишдан асосий мақсад жисмоний шахсларга Конституция ва халқаро шартномалар билан кафолатланган ўз ҳуқуқ ҳамда манфаатларини рўёбга чиқариш назарда тутилган. Шунингдек, давлат ҳисобидан барқарор, ишончли юридик ёрдам кўрсатиш тизимини яратиш, юридик ёрдам олиш, одил судловга эришишда тенг имкониятлардан фойдаланишни таъминлаш имкони юзага келади.

Қонун лойиҳаси зарурати ҳақида бир неча асослар келтирилди.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам фақат жиноят ишларини юритишда кўрсатилиб, маъмурий ва фуқаролик ишлари бўйича давлат ҳисобидан бепул ёрдам кўрсатиш назарда тутилмаганлиги кам таъминланган фуқароларнинг Конституцияда кафолатланган малакали юридик ёрдамдан тўлиқ фойдалана олмаслигига олиб келмоқда.

*Таниш-билишчилик,
коррупциядан холи
бўлган тизимда
мурожаат қилаётган
шахс адвокатни ўзи
танлай олмайди.
Тизимнинг ўзи аниқлаб
беради. Адвокатга ҳақ
тўлаш миқдори эса
белгиланган тартибда
амалга оширилади.
Муҳими, иш ниҳоясига
етгачгина ҳақ
тўланади.*

Мисол учун, 2021 йилда маъмурий судлар томонидан кўрилган 15 мингга яқин ишлардан 4 мингдан ортиги пенсия ва нафақа тайинлаш масаласи билан боғлиқ. 2021 йилда фуқаролик ишлари бўйича судларда 519 мингга яқин ишлардан қарийб 148 мингтаси хотин-қизлар даъво аризалари асосида кўрилган.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни жалб этишнинг шаффоф механизми жорий этилмаганлиги "чўнтак адвокатлари" ва бошқа коррупциявий омиллар пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишни мувофиқлаштирувчи ягона орган белгиланмаганлиги бюджет маблағларининг сарфланиши устидан самарали назорат ўрнатилишига тўқсинлик қилмоқда. Кейинги 3 йилда юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун 111,9 млрд. сўм маблағ ажратилган.

Қонун лойиҳасида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган ишлар рўйхатига фуқаролик ва маъмурий ишлар киритилмоқда. Бу муҳтож фуқароларнинг бепул юридик ёрдам олиш имкониятларини кенгайтиради. Шунингдек, давлат ҳисобидан юридик ёрдам олувчи шахсларнинг доираси ҳам кенгайди.

Шунингдек, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишни мувофиқлаштириш учун маъмурий давлат органи сифатида Адлия вазирлиги белгиланиб, ушбу вазифа унинг тизимидаги юридик хизмат кўрсатиш марказларига юклатилапти.

Бу тизим давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишнинг шаффоф тартибини жорий этиш, ажратилмаган маблағлар сарфланиши устидан самарали назорат ўрнатиш, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини янада ошириш ва малакали юридик ёрдам олишга бўлган кафолатларни кучайтиришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси камчиликлардан холи эмас, албатта. Масалан, давлат ҳисобидан жалб қилинган адвокатларнинг фаолияти натижадорлиги ва сифатини баҳолаш масаласи очиқ қолган. Биз бу масалани муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Мавжуда ҲАСАНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Ҳар бир қонун ишлайдиган, халқчил бўлиши лозим. Айрим инсонлар бошига бирон бир ёмон иш, таъши тушса, кимга мурожаат қилиши ва қандай ҳуқуқий маслаҳат олишни ҳамма ҳам билавермайди.

Қонун лойиҳасига Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзи-

ни ўзи бошқариш органлари қўмитаси масъул бўлиб, иккинчи ўқишга тайёрланмоқда. Албатта, мутахассислар билан маслаҳатлашиб, ўз таклифларимизни берамиз.

Чунки, қонуннинг қабул қилинишидан биринчи ўринда партиямиз электоратлари манфаатдор бўлади.

Биринчидан, давлат ҳисобидан юридик ёрдам эндиликда маъмурий ва фуқаролик ишлари бўйича давлат ҳисобидан бепул ёрдам кўрсатилиши таъминланади. Шу пайтгача юридик ёрдам фақат жиноят ишларини юритишда кўрсатилиб келинмоқда эди.

Иккинчидан, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишни мувофиқлаштирувчи ягона орган белгиланади. Бу эса бюджет маблағларининг сарфланиши устидан самарали назорат таъминлашига олиб келади.

Фирдавс ШАРИПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Тан олимиз керакки, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд кишилар кўп ҳолларда ўзи ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида кимга қандай мурожаат қилишни билмайди. Шу жойда бошқа фуқаролар билан тенг шароит яратиш мақсадида ушбу қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган, деб ҳисоблайман.

Қонунда кимлар ушбу хизматдан фойдаланиши мумкинлиги ҳам аниқ кўрсатиб ўтиляпти. Аввало, ижтимоий ҳимоя реестрига киритилган кишилар, психологик жиҳатдан аҳоли оғир бўлганлар, ҳимояга муҳтож хотин-қизлар, ҳаммаси аниқ белгиланмоқда. Бундан ташқари, кимга, қачон ва қайси ҳолларда ёрдам берилиши ҳам қайд этиляпти. Ушбу рўйхатда бўлмаганлар эса автоматик тартибда рад этилади.

Тўғри, кўрсатилмаган хизматлар жуда ҳам мураккаб масалаларда эмас. Аммо ҳар кун кимнингдир ҳаётида учрайдиган ва бугунги кунда тез-тез кузатилаётган ҳолатлар қамраб олинган.

Масалан, 3 та суд бор. Лойиҳага кўра, фуқаролик судларнинг қарийб барча йўналишларида юридик ёрдам олиш мумкинлиги ифодаланмоқда. Маъмурий жавобгарлик билан боғлиқ ишлар кўрилатганда қайси ёки қайси-лар экани аниқ ёзиб қўйилган. Жиноят ишлари билан боғлиқ масалаларда тўлиқ ёрдам олиш назарда тутилмоқда. Эътиборлиси, ёрдам қандай олинади, қай тартибда мурожаат қилинади, умуман, тизим ишга туширилиши учун махсус ахборот портали ҳам яратилмоқда.

Таниш-билишчилик, коррупциядан холи бўлган тизимда мурожаат қилаётган шахс адвокатни ўзи танлай олмайди. Тизимнинг ўзи аниқлаб беради. Адвокатга ҳақ тўлаш миқдори эса белгиланган тартибда амалга оширилади. Муҳими, иш ниҳоясига етгачгина ҳақ тўланади. Фуқаролар кўрсатилмаган хизматдан қониқиб ҳосил қилинган, деган саволлар атрофида мониторинг юритиш ҳам йўлга қўйилади. Бундан кўриниб турибдики, очиклик, шаффофлик таъминланади.

Қонун лойиҳаси концептуал жиҳатдан маъқулланган. Чунки бу жуда муҳим ва долзарб масала эди. Бироқ у ерга айрим таклифларимиз ҳам йўқ эмас. Хусусан, кўрсатилмаган хизмат сифатини ошириш учун айрим малака талаблари қўйилиши керак, деб ҳисоблайман. Масалан, камида 3 йиллик иш стажига эга бўлган адвокатлар ишга қабул қилиниши кераклиги кўрсатилса, нур устига нур бўларди. Чунки тажрибада гап кўп. Одамларнинг мушуқлини осон қилиш, уларнинг муаммосига тезроқ ечим топish тизим муваффақиятини таъминлайди.

Шу билан бирга, олиб борилмаган мониторинг натижаларига кўра, адвокатлар малакасини ошириш ёки тажрибали мутахассисни жалб қилиш учун ойлик хизмат ҳақини кўтариш таклифлари ҳам берилиши мумкин. Зеро, юридик хизматнинг сифатини, фуқароларнинг мурожаатини ҳал қилиш учун малакали адвокат керак.

Кейинги ҳафта қонун лойиҳасининг қандай такомиллашати ҳақида кенгроқ маълумот бериш ниятидаимиз.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
"Ўзбекистон овози" мухбири.**

ҲАМКОРИМИЗ СУВ ҲИСОБЛАШ УСКУНАЛАРИНИ АҲОЛИГА ЕТКАЗИБ БЕРИШ БОШЛАНДИМИ?



Президентимизнинг 2022 йил 24 майдаги "Аҳолининг ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари билан таъминланганлик даражасини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш борасида "Ўз-сувтаъминот" акциядорлик жамияти томонидан қандай амалий ишлар олиб борилаётгани борасида "Ўз-сувтаъминот" АЖ Ахборот хизмати раҳбари Акмал Муродовдан маълумот сўрадик.

— Мазкур қарорга асосан 2023 йил 1 январдан бошлаб юридик шахс ва юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи истеъмолчилар томонидан худудий сув таъминоти корхоналарига масофадан маълумот узатувчи замонавий сув ҳисоблагичлар ўрнатилиши белгиланган. Бундан ташқари, ушбу қарор билан тадбиркорларга энгиллик яратиш мақсадида сув ҳисоблагичларини ўрнатганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача солиқ имтиёзлари берилади.

2024 йил 1 январдан бошлаб эса масофадан маълумот узатувчи замонавий сув ҳисоблагичларни ўрнатганлик юридик шахс ва юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи истеъмолчиларга ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари учун сувни ҳисобга олиш ускунаси билан таъминланмаган истеъмолчилар сифатида ҳисоб-китоб амалга оширилишини маълум қиламиз.

Шунингдек, мазкур қарорнинг 5-банди ижроси доирасида Уй-жай коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, "Ўзсувтаъминот" АЖ ва Техник жиҳатдан тартибда солиш агентлиги билан биргаликда совуқ ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарининг турларига нисбатан (Dn-15 дан Dn-25 гача ва Dn-32 дан Dn-1500 гача) техник талаблар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Техник талаблар "Ўзсувтаъминот" АЖ веб-сайтнинг (www.uzsuv.uz) "Норматив ҳужжатлар" бўлимига жойлаштирилди.

2023 йилдан бошлаб хорижий ҳамда маҳаллий сув ҳисоблагич ишлаб чиқарувчилар ушбу техник талаблар асосида сув ҳисоблагич ускуналарини таклиф этишлари мумкин бўлади.

Маълумот ўрнида яна шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда ушбу йўналишда аҳолидан ва юридик истеъмолчилардан кўпплаб саволлар келиб тушаётгани учун ушбу саволларни А.Муродовга бердик ва у қуйидагича жавоб берди:

— 2023 йилдан бошлаб ичимлик суви учун тўланган пули тугаса автоматик масофадан ўчирилмаган сув ҳисоблагич ўрнатилмади?

— Ичимлик суви учун тўланган пули тугаса автоматик тарзда масофадан ўчирилмаган сув ҳисоблагич турига эмас, балки сув ҳисоблагич турига нисбатан тасдиқланган техник талабларга асосан исталган турдаги замонавий, масофадан маълумот узатувчи қурилмага эга бўлган электромагнитли, ултратовушли ёки механик сув ҳисоблагич ускуналарини ўрнатиш режалаштирилмоқда.

— Юридик ташкилотлар айнан бир турдаги, битта ишлаб чиқарувчига тегишли сув ҳисоблагичларни харид қилиши керакми? Тартиби қандай?

— Сув таъминоти тизимида шаффофликни таъминлаш ҳамда коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида қарорда белгиланган талаблар асосида ишлаб чиқарилган (хорижий ёки маҳаллий) сув ҳисоблагичлари ўрнатилиши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, аҳолимиздан ушбу мавзуда ва сув таъминоти тизимидаги муаммолар юзасидан саволлари бўлса, "Ўзсувтаъминот" АЖнинг республика учун ягона саналган "12-55" қисқа рақамга кўнғироқ қилиб, жавоб олиши мумкин.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ
ёзиб олди.**

ИНТЕГРАЦИЯНИНГ МОҲИЯТИ ЎЗГАРМОҚДА

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ШУНИ КЎРСАТАДИКИ, ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ НИСБАТАН УЗОҚ ВАҚТНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ. БУГУНГИ КУНДА ДАВЛАТЛАР ЎЗ САЛОҲИЯТИ ВА РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ЖАРАЁНИНИ ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ЎЗ НУФУЗИНИ ОШИРИШ, МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИНИ ЯНАДА КУЧЛИРОҚ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТИ СИФАТИДА КЎРИШМОҚДА.

Интеграция жараёнлари борган сари нафақат минтақаларнинг ички мақсадлари, балки ташқи муҳитнинг ортиб бораётган талаблари, кучайиб бораётган халқаро рақобат билан ҳам белгиланмоқда. Халқаро интеграция мафкурасининг ўзи ўзгармоқда, авваллари аъзо мамлакатларнинг ҳўжаликлари ўзаро яқинлаштиришни мақсад қилган бўлса, ҳозир минтақавий ташкилотларнинг ўзи глобал макон иштирокчисига айланмоқдалар, интеграция эса минтақаларнинг дунё ҳўжалигига интеграциялашуви сифатида тушунилмоқда.

Охириги йилларда Марказий Осиё минтақасида ҳам Ўзбекистон ташаббуси билан интеграция учун ҳаракатлар кучаймоқда.

Бу борада АСЕАН тажрибаси ўзига хосдир. АСЕАН нима ўзи? Ҳозирги кунда АСЕАНга 10 та давлат аъзо. Аҳолиси тахминан 670 млн. афроида. Ялпи ички маҳсулоти эса 3,5 триллион доллардан ортки.

АСЕАНни ташкил этган Таиланд, Сингапур, Индонезия, Малайзия ва Филиппин 20-асрнинг 60-йилларида иқтисодий кўрсаткичлари паст, коррупция, жиноятчилик юқори даражадаги давлатлар бўлган. Эътиборлиси, АСЕАН йирик сиёсий куч марказларининг иштирокисиз ташкил этилган. (Марказий Осиё интеграцияси учун ҳам минтақа давлатларининг курби етади ва ҳеч қандай "катта йўлчи"га эҳтиёж йўқ).

ВУЖУДГА КЕЛИШ ТАРИХИ

1967 йил 8 августда бешта етакчи - Индонезия, Малайзия, Филиппин, Сингапур ва Таиланд ташқи ишлар вазирлари Таиланд пойтахти Бангкокда имзолаган

ҳужжат АСЕАН декларацияси, деб номланади. Ушбу декларация асосида Жануби-Шарқий Осиё Миллатлар Уюшмаси (АСЕАН) вужудга келди. Бугунги кунда АСЕАН нафақат Осиё-Тинч океани минтақасида, балки бутун дунёда обрўли ва жадал ривожланаётган кўп йўналишли ҳамкорлик ташкилотига айланган.

АСЕАН декларацияси бор-йўғи бешта қоидадан иборат қисқа, содда ҳужжат эди. Унда ушбу ассоциациянинг мақсад ва вазифалари белгилаб берилди. Мақсадлар иқтисодий, ижтимоий, маданий, техник, таълим ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик, адолат ва қонуқ устуворлигини ҳурмат қилиш ҳамда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган эди. АСЕАН Жануби-Шарқий Осиё халқларининг дўстлик ва ҳамкорлик, биргаликдаги саъй-ҳаракат орқали тинчлик, эркинлик ва фаровонлик неъматларини таъминлашга қаратилган жамоавий иродаси эканини эълон қилди.

Декларациянинг айнан Бангкокда имзолаганининг ҳам сабаблари бор. Чунки ўша даврда Индонезия, Филиппин ва Малайзия ўртасида маълум келишмовчиликлар мавжуд эди. Лекин замон талаби уларни бирлашишга мажбур қилаётганди. Сабаби, минтақа давлатлари жаҳонда "совуқ уруш" ҳукмрон бир даврда коррупция, қурол, наркотик, одам савдоси ва халқаро босимга қарши туриши керак эди.

Минтақавий ҳамкорлик учун вақт келгани ёки минтақанинг келажаги ноаниқ бўлиб қолаётганини англаб етган Таиланд ташқи ишлар вазирлиги Танат Хомани уч давлатнинг мурасисига воситачилик қилади. Декларацияни имзолаш учун 4 давлат муҳомага



йиғилган учрашувга Сингапур ташқи ишлар вазири ҳам ташриф буюради ва декларацияга қўшилиш истагини билдиради. Иштирокчилар Сингапурнинг тақлифини қабул қилишади.

Бироқ, бу осон жараён эмасди: ҳар бир киши музокараларга бошқаларникига ўхшамайдиган тарихий ва сиёсий нуқтаи назарни билдирди. Аммо улар музокаралар столига йиғилишганда, яхши ният ва ҳушмуомалалик билан келишмовчиликларни енгиб ўтиши ва АСЕАН ташкил этилди.

АСЕАН ҳамкорлари

АСЕАН ва АҚШ ўртасидаги икки томонлама муносабатлар кенг ривожланган. АСЕАН билан муносабатлар самарали ривожланиши учун АҚШ дипломатияси ўзининг ижобий имижини шакллантириш мақсадида халқ дипломатиясидан фойдаланган, уюшманинг «эски» аъзолари ва янги қатнашчилари билан муносабатларда фарқ бўлмастлигига интилган, икки томонлама ҳамкорлик доирасида дастурларни фаол режалаштирган ва амалга оширган.

Уюшманинг асосий механизмларини ривожлантиришда фаол иштирок этган, шунингдек, АҚШ ва АСЕАН ўртасида эркин савдо зонаси яратишга қаратилган ташаббусларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган. АСЕАНнинг умумий савдо айланмасида АҚШ тўртинчи ўринда туради. АҚШнинг АСЕАН давлатлари билан савдо ҳажми ташқи савдоси

умумий ҳажмининг 56 фоизини ташкил этади.

Хитой Халқ Республикаси ва АСЕАН мамлакатлари ўртасидаги узоқ йиллик ҳамкорлик натижасида Хитой уюшманинг «стратегик ҳамкори» мақомини олган биринчи давлат ҳисобланади. Ўз навбатида АСЕАН Хитойнинг учинчи савдо ҳамкоридир. Хитойнинг АСЕАН давлатлари билан савдоси ҳажми 1990 йиллар охиридан 2015 йилгача бўлган даврда ўртача 85 фоизга ортди. Ҳозирги кунда АСЕАН ва ХХР ўртасида эркин савдо зонаси мавжуд.

Япония ва АСЕАН ўртасидаги муносабатлар биринчи навбатда иқтисодий йўналишга асосланган. Япония АСЕАНга аъзо давлатларга нафақат давлат даражасида, балки хусусий даражада ҳам ёрдам беради. АСЕАН ва Хитой ҳамкорлиги мисолида эркин савдо зонасини шакллантириш ва ривожлантириш тажрибасини ўрганган Япония ҳукумати АСЕАН давлатлари билан ўз эркин савдо зонасини ташкил этган.

АСЕАН ва Жанубий Корея ўртасида иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш ғояси биринчи бўлиб 1989 йилда илгари сурилди. Корея Республикаси ва АСЕАН ўртасидаги савдо муносабатлари йил сайин ривожланиб бормоқда, кейинги йилларда савдо айланмаси ҳажми 2005 йилда 46,4 млрд. доллардан 2017 йилда 120 млрд. долларгача ошди.

Аҳмаджон ҚУРБОНОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ А МУҲТОЖ АҲОЛИ УЧУН БАЙРАМ ТАДБИРИ

Ўзбекистон ХДП Чилонзор туман кенгаши раиси, халқ депутатлари Чилонзор туман Кенгаши депутати Доноҳон Маҳмудова ва ҳимойлар томонидан тумандаги «Кўтарма» МФЙдаги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли учун Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан байрам тадбири ташкил этилди.

Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз шиори остида ўтказилган тадбирда депутат Доноҳон Маҳмудова сўзга чиқиб, келганларни табриклади.

Юртимизда бугунги кунда олиб борилаётган ислоҳотлар, кам таъминланган, оғир шароитга тушиб қолган ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар, яратилаётган имкониятлар, ХДП дастурий мақсадлари ва вазифалари тўғрисида гапириб берди.

Ўз муҳбиримиз.



"МИРАНДА ҚОИДАСИ"НИ КОНСТИТУЦИЯМИЗДА МУСТАҲҚАМЛАНИШИ:

- қўлга олинган гумон қилинувчи шахслар ҳуқуқлари бузилишининг олдини олади;
- тезкор-қидирув фаолияти ҳамда жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтиришга конституциявий асос бўлиб хизмат қилади;
- инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият, деган эзгу тамойилни амалиётда кенг татбиқ этишга имконият беради;
- ушланган шахсга нисбатан тегишли идора ходимлари томонидан босим ўтказилишини истисно қилади.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ КОМИССИЯ
МАТБУОТ ХИЗМАТИ

ИККИ ЁШЛИ БОЛАЛАР ҲАМ БОҒЧАГА БОРИШИ МУМКИН

Энди давлат-хусусий шериклик асосида фаолият юритувчи мактабгача таълим муассасасига (МТТ) болаларни 3 ёшдан эмас, 2 ёшдан қабул қилиш мумкин. Бу ҳақда давлатимиз раҳбарининг тегишли қарориди белгиланди. Шунда нималар ўзгаради ва қандай қўлайлик юзага келади?

Ҳозирги кунда тадбиркорлардан нодавлат МТТлар қуриш, реконструкция қилиш, жиҳозлаш учун олган кредитларни қайтаришда қийинчиликларга дуч келаётгани сабабли мuddатларини узайтириб берилишида амалий ёрдам сўраб, кўплаб мурожаатлари келиб тушмоқда.

Янги қабул қилинган қарор билан республикада 2018-2019 йилларда молиялаштирилган 966 та йирик давлат-хусусий шериклик лойиҳасига ажратилган 1,7 триллион сўм имтиёзли кредитларни навбатдаги асосий қарзини қайтариш мuddатини 2023 йилнинг 1 августига қадар узайтирилишига рухсат берилди.

Шунингдек, йирик давлат-хусусий шериклик лойиҳаларига аввал фақат фойдаланилган табиий газ учун 50 фоиз миқдориди компенсация тўланган бўлса, эндиликда 1 сентябрдан иситишнинг бошқа турларидан, жумладан, суюлтирилган газ ёки кўмир маҳсулотларидан фойдаланувчи нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига ҳам компенсация пули ажратилиши белгиланди. Шу ўринда айтиш жоизки, республикада фаолият кўрсатаётган нодавлат МТТларнинг 512 тасида марказлашган газ мавжуд эмас ва бу ташкилотлар альтернатив иситиш воситаларидан фойдаланиб келмоқда.

Яна бир жиҳати, ана шундай ташкилотларга аввал бу турдаги компенсация тўлаб берилмаган эди. Демак, хусусий боғчалар фаолияти яхшиланиши керак.



Барча давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат МТТларига қатнаётган болаларга 7 ёшга тўлиб, ҳали мактабга чиққунга қадар МТТга қатнаган кунларига субсидия тўланиши ёки тўланмаслиги масаласи аниқлаштирилади. Боқувчисини йўқотган аёлларнинг 2 ёшли болаларига ҳам субсидия тўланишига рухсат берилди.

Шу билан бирга, оилавий шаклдаги МТТларга ҳам бир қатор энгилликлар жорий этилди. Хусусан, ота-оналар тўлови миқдорини мустақил равишда белгиланган ҳолда 3 ёшга тўлмаган болаларни ҳам қабул қилишига рухсат этилди. Оилавий МТТ фаолиятини

бошлаш учун соғлиқни сақлаш органлари билан мажбурий равишда тарбияланувчиларга тиббий ёрдам кўрсатишга оид шартнома тузиш тартиби бекор қилинди.

Энг муҳими, қарор билан барча нодавлат МТТларга 3 ёшга тўлмаган болаларни ҳам қабул қилишига рухсат этилди. Бунда 3 ёшга тўлмаган болаларга ота-оналар тўлови миқдорини мустақил равишда белгиланишига рухсат этилди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

DOLZARB MASALA

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/

www.uzbovozi.

ГҮШТ ЕТАРЛИМИЭ

РАСМИЙ РАҚАМЛАР, ОДАМЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Дунёда куролли, сиёсий, дипломатик низолар кучайиб кетаётгани оилаларнинг кундалик ҳаётига, оддий одамларнинг рўзгорига салбий таъсир кўрсатмоқда. Можаролар, санкциялар туфайли дунё мамлакатларини бир-бири билан боғлайдиган логистика тизимида ҳам кўплаб муаммолар келиб чиқяпти. Буларнинг барчаси импорт қилинаётган маҳсулотлар таннархининг кўтарилишига сабаб бўляпти.

Республикага импорт қилинаётган товарлардан бири гўшт маҳсулоти ҳисобланади. Маълумотларга кўра, кундалик истеъмол харажатларимизнинг 30 фоизини гўшт, сут ва тухум маҳсулотлари ташкил этади.

Шунингдек, мутахассисларнинг фикрича, мамлакатимизга импорт қилинаётган гўшт маҳсулоти ички бозордаги гўшт нархининг ошиб кетишига ёки гўшт тақчиллигига сезиларли таъсир кўрсатмайди. Чунки, 2022 йил 1 январь ҳолати бўйича республикада 2,6 миллион тонна тирик вазнда гўшт етиштирилди. Республикада 35,6 миллион нафардан ортиқ аҳоли эҳтиёжи, яъни тиббий меъёрларга асосан, йиллик аҳоли жон бошига 42,8 кг. гўшт истеъмоли тўғри келиши ҳисобга олинадиган бўлса, 1,5 миллион тонна сўйилган вазнда гўшт талаб этилади.

Президентимиз раислигида жорий йил 31 май куни аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган видеоселектор йўналишида ҳам айтилган шундай ташкил этилган, бир қатор долзарб вазифалар белгиланди.

– Йўналишида аҳолини озиқ-овқат, жумладан, чорва ва паррандачилик маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш чораларини кўриш мақсадида ҳар бир йилги хўжаликнинг ичига қириб, унинг қуввати, ишлаб чиқариш ҳажмини ўрганиш, чорвачилик йўналишидаги лойиҳаларни тўлиқ ишга тушириш чораларини кўриш алоҳида вазифа этиб белгиланди, – дейди «Ўзбекчорванасл» агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари Улуғбек Исмоилов – Белгилаб берилган вазифалар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган ишларни белгилаб олди. Жумладан, жорий йил чорвачилик ва унинг тармоқларини ривожлантириш мақсадида умумий қиймати 9,7 триллион сўмлик 2 минг 31 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилади. Бугунги кунга қадар эса қиймати 4,5 триллион сўмлик 1 минг 152 та лойиҳа амалга оширилиб, 76 мингга яқин доимий ва мавсумий янги иш ўрни яратилди.

Жумладан, чорвачилик йўналишида қиймати 2 триллион 692 миллиард сўмлик 538 та, паррандачиликда 778,1 миллиард сўмлик 209 та, балиқчиликда 627 миллиард сўмлик 211 та, қуёнчиликда 146 миллиард сўмлик 23 та, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича 188,2 миллиард сўмлик 24 та ҳамда омухта ем ишлаб чиқариш бўйича 32,8 миллиард сўмлик 14 та лойиҳалар амалга оширилди.

Ушбу амалга оширилган лойиҳалар доирасида хорижий давлатлардан 33,6 минг бош қорамоллар (13,2 минг бош насли) ва 139,7 минг бош қўй-эчки (72,5 минг бош насли) олиб келинди. Бундан ташқари, жорий йилда жами 249 та, шундан 110 та гўшт ва 139 та сут маҳсулотларини етиштирувчи ва қайта ишловчи қорамоллар томонидан жами 11 минг 529 та хонадонга кооперация усулида чорва моллари этиказиб берилди. Бугунги кун ҳолатига 132 та кооперация ташкил этилиб, 3 минг 60 та аҳоли хонадонига 6 минг 120 бош қорамол тарқатиб берилди. Чорва молларини наслини яхшилаш мақсадида бугунги кунга қадар жами 1 миллион 78 минг бош сизир ва таналар сунъий уруғлантирилиб, 13,3 миллиард сўмлик, (2021 йилнинг мос даврига нисбатан 1,4 баробарга кўп) пуллик ветеринария хизматлари кўрсатилди.

Шу билан бирга, чорвачилик йўналишида фаолият кўрсатаётган 198 та хўжалик наслилик тоифасига ўтказилиб, уларнинг сони 1 минг 528 тага етказилди ҳамда уларда етиштирилган 8,6 минг бош насли қорамоллар аҳоли хонадонларига этиказиб берилди. Қолаверса, хорижий давлатлардан гўшт йўналишидаги тез етилувчан қорамолларнинг Абердин-ангус, Шароле, Герфорд ва Лимузин ҳамда сут йўналишидаги Джерсей, Швиц ва Монбильярд каби янги зотлари олиб келинди ва бу ишлар давом эттирилмоқда.

Чорвачилик субъектларида озуқабоп экинлар экиш учун 405 минг гектар ажратилган асосий ер майдонлардан 35,3 минг гектарига янги беда (84 минг гектар эски беда мавжуд), 210 минг гектарига маккажўхори, 41,8 минг гектарига оқ жўхори, 15,8 минг гектарига хашаки лавлаги ҳамда ғалладан бўшаган 221

минг гектар ер майдонларига такрорий озуқабоп экинлар экилди. Натижада чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида жами 21 миллион тоннадан ортиқ озуқа жамғарилди. Шунингдек, 125 та чорвачилик хўжаликларига замонавий интенсификация "Гидропоника" технологияси асосида чорва озуқасини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида импорт қилинган насли чорва моллари ва ички хўжаликларда етиштириб сотилган насли қорамоллар учун 118 та чорвачилик субъектларида 18,5 миллиард сўм ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ўз хўжаликларига етиштириб, сотувчи 1 минг 82 та чорвачилик субъектига 250 миллиард сўм давлат бюджетидан субсидия маблағлари ҳам ажратиб берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, йўналишида давлатимиз раҳбари томонидан берилган ҳар бир топшириқ ечимини, яъни ишлаш тизими, шароити билан ва энг муҳими, аниқ манбаси ҳамда пули билан белгилаб берилдики, бу вазифаларни фақатгина тизимли ёндашув билан ташкил этиш қолди. Бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этган ҳолда йил якунига қадар қорамоллар сонини 14,5 миллион бошга, гўшт ишлаб чиқариш ҳажмини 2,7 миллион, сутни 12,2 миллион тоннага етказиш режа қилинган.

Чорвачилик тармоғи ривожини ветеринария хизматисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис, ветеринария хизмати томонидан 2016 йилда 300 миллион сўмлик пуллик хизматлар кўрсатилган бўлса, сўнгги йилларда яратилган шароит ва имкониятлар туфайли пуллик хизмат кўрсатиш кўлами кескин кенгайди. Хусусан, 2021 йилга келиб бу кўрсаткич 60 миллиард сўмга етди ёки 200 бараварга ошди.

Давлатимиз раҳбари ветеринария хизмати кўрсатишни 150 миллиард сўмга етказиш топширигини берди. Ушбу маблағлар соҳанинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ҳамда ходимларни рағбатлантиришга йўналтирилади. Мухтасар айтганда, Президентимизнинг қатор қарорлари, соҳада амалга оширилган ислохотлар туфайли ҳар икки тармоқ (ветеринария ва чорвачилик) кўмакка муҳтож соҳадан йирик ишлаб чиқариш драйверларига айланмоқда.

Этиборли жиҳати, юртимизда чорвачиликни ривожлантириш, чорвадор ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш, аҳолини узлуксиз гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, охириги уч йилда чорвачилик соҳасига 15 триллион сўмдан зиёд кредит ажратилиб, 4 минг 500 га яқин лойиҳа амалга оширилди. Наслчилик хўжаликларининг сони 3 бараварга кўпайиб, 1 минг 400 дан ошди. Натижада 2019-2021 йилларда чорва молларининг бош сони 1 миллион 200 мингга кўпайди. Шунингдек, 2022-2026 йилларга мўлжалланган устувор вазифалар қаторига чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини 1,5-2 баробарга ошириш мақсад қилинган.

Бундан ташқари, сунъий уруғлантириш орқали аҳоли хонадонларидаги қорамоллар наслини яхшилаш, насли пода сонини кўпайтириш ҳамда чорвачиликда юқори маҳсулдорликка эришиш борасида ҳам бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Шу мақсадда ветеринария хизмати мутахассислари томонидан сунъий уруғлантириш ишлари олиб борилиб, насли бузоқлар олинмоқда.

Аҳолини чорва моллари гўшtidан ташқари, паррандачилик тармоқларини кенгайтириш орқали парранда гўшт ва тухум маҳсулотлари билан мунтазам таъминлашга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу боисдан аҳолига паррандаларни парваришлаш борасида тушунтириш ишларини олиб бориш учун вакиллар бириктирилган. Ушбу мутахассислар паррандаларни сақлаш, боқиш ва озиклантириш жараёнларида ўй эгаларига паррандаларни парвариш қилиш борасида ўз тавсияларини бериб боришмоқда. Бу эса мамлакатимиз аҳолисини гўшт маҳсулотларига бўлган талабини қондиришдаги амалий ечимини ҳисобланади. Шу тариқа юртимизга импорт қилинаётган гўшт маҳсулотларини камайтириш баробарида ўзимизни-ўзимиз юз фоизлик таъминлашга эришишдир.

Шу ўринда яна бир маълумотни келтириб ўтмоқчи эдик. 2021 йилда мамлакатимизга Беларусь давлатидан 18,9 минг тонна, Қозғистондан 4,2 минг тонна, Россиядан 101 тонна, Украинадан 2,1 минг тонна, Молдавадан 218 тонна, Ҳиндистондан 361 тонна ва Словакиядан 81 тонна, жами 26 минг тонна гўшт импорт қилинган. Ўзимизда ишлаб чиқарилган гўштни нисбатан импортнинг улуши 1,2 фоизни ташкил этган. Йилдан-йилга гўшт маҳсулоти импорти қисқараётганини қузатиш мумкин.

ҚИЗИҚ РАҚАМЛАР

Қайси ҳудудда йил бошидан бери кўп гўшт истеъмол қилингани тўғрисидаги маълумотни ҳам тақдим этамиз. Бу борада Фарғона вилояти биринчи ўринда турибди, ушбу вилоятда 34 минг 295 бош, Самарқанд вилоятида эса 28 минг 325 бош, Андижонда 24 минг 382 бош, Хоразмда 22 минг 748 бош, Наманганда 21 минг 678 бош, Қашқадарёда 14 минг 761 бош ва ниҳоят, Сурхондарё вилоятида 16 минг 712 бош йирик шохли қорамол қушхоналарда сўйилиб, деҳқон бозорларига етказиб берилган.

Жорий йилнинг июнь ойида йиллик инфляция суръати 12,2 фоизни ташкил этди. Йиллик инфляция таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари 16,5 фоизга ошган бўлса, ноозиқ-овқат товарлари ва хизматлар мос равишда 10,7 ва 6,8 фоизга қимматлашди. Мисол учун, 1 дона беда пресс – 2,3 баравар (15 минг сўмдан 35 минг сўмга), 1 кг. силос – 2,9 баравар (320 сўмдан 900 сўмга), 1 кг. буғдой – 1,8 баравар (2,2 минг сўмдан 4 минг сўмга) ва 1 кг. маккажўхори (3 минг сўмдан 4,2 минг сўмга) – 1,4 баравар қимматлашди. Биржада 1 тонна шрот нархи 1,4 баравар (2,9 млн. сўмдан 4 млн. сўмга), шелуха – 1,5 баравар (2 млн. сўмдан 3 млн. сўмга) ўсди.

ГҮШТ ҚИММАТЛАДИМИ?

Ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлар нархлари, жумладан, пиёз 48,6 фоизга, шакар 46,7 фоизга, буғдой уни 35,9 фоизга, сабзи 18,2 фоизга ҳамда гуруч 9,7 фоизга ошган бўлса, мол гўшти шу даврда 1,8 фоизга, қўй гўшти 2,3 фоизга, товуқ гўшти 5,2 фоизга ва тухум 2,6 фоизга ошган.

Маълумот учун: бугунги кунда республикада бир кг. гўшт 55-65 минг сўм, бир литр сут 4,5-5,5 минг сўм. Солиштириш учун баъзи давлатлардаги нархларни келтириб ўтмоқчи эдик. Қозғистонда 1 кг. мол гўшти – 5,8, Озарбайжонда – 7, Россияда – 8,5, Туркменистонда –10, Грузияда – 10, Туркияда 10,4, ва Кореяда – 60 АҚШ долларидан сотилмоқда.

Чорвачилик хўжаликларига айтилган вақтда 400 минг бошдан зиёд гўшт учун чорва моллари боқилмоқда. Ушбу чорва молларининг сўйиш даражасидаги етилувчанлиги ҳамда аниқ ташкил этилган чорвачилик хўжаликларининг фаолияти ҳисобидан ички бозор расталарига гўшт маҳсулотини етказиб бериш барқарорлиги таъминланиб келинмоқда.

Юқоридагилар мутасадди ташкилотлар вакили томонидан келтирилган рақам ва кўрсаткичлар бўлди. Реал вазият ҳақида чорвадорлар, аҳоли вакиллари-нинг фикри, муносабати қандай?

– Бир оилада 10 киши бўлиб, яъни икки ўғлим, икки келиним, 4 набирам ва аёлим яшаймиз, – дейди **63 ёшли Сурхондарё вилояти, Узун тумани, "Гулустон" МФЙда яшовчи Носир Бердиев**. – Ўғилларим кунлик ишларда ишлаш билан бирга устачилик ҳам қилади. Иш бўлганда ишлаб рўзгорга пул топиб келишади. Иш бўлмаганда эса бир мени оладиган пенсиямга рўзгор қиламиз. Қисқаси, бир ойда 2 килограмм қўй гўшти сотиб оламиз ва шуни етказамиз. Бундан ортиқ олишга имкониятимиз йўқ. Чунки, гўштининг 1 кг. 70-80 минг сўм. Нархи оиламиз учун қим-

матлик қилади. Тўғриси, мол ва қўй гўшtidан ташқари бошқа парранда гўшtlари ҳам бор.

Уларни ҳам сотиб олиб, истеъмол қиламиз. Аммо, мол ва қўй гўштининг ўрнини босмайди. Шу боисдан ҳам бир ойда 2 килограмм бўлса-да сотиб оламиз.

– 23 йилдан буён чорва молларини боқиш ва кўпайтириш билан шуғулланаман, – дейди **Қарши туманидаги "Нукраобод" кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари, халқ депутатлари Қарши тумани Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Рустам Жўраев**. – Бугунги кунда фермамизда 120 бош чорва моли мавжуд. Улардан 60 таси соғилади ва кунига 600-700 литр сутни шартномамизга кўра, туманимиздаги мактабгача таълим ташкилотларига етказиб берамиз. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 10 тоннадан кўпроқ мол гўштини бозорларга етказиб бердик. Шу ўринда бир мулоҳазамни айтиб ўтмоқчи эдим. Бугун бозорларимизда сотилаётган мева-чева, полиз ва сабзавот маҳсулотларининг деярли барчаси қимматлашган. Аммо, гўшт маҳсулотларининг нархи ошгани унчалик сезилмайди. Қўлимиздан келганча кўпроқ ва арзонроқ гўшт маҳсулотларини бозорларимизга етказиб беришга ҳаракат қиляпмиз.

Очиғини айтиш лозим, аслида гўштининг ҳозирги нархи чорвадорлар тили билан айтганда жуда арзон. Бундай дейишимнинг боиси, бугун чорва молига бериладиган ем-хашакнинг нархи қанча туриши билан солиштирсангиз, биласиз. Фермер хўжалигимизга ажратилган ерлардан унумли фойдаланиб, ўрни келганда иккинчи экинларга ҳам чорва моли учун керак бўладиган озуқа экамитиз. Шунинг ҳисобига чорва молини гўштни топширишимизда ем-хашак пулини ҳисобламаймиз. Аҳоли чўнтаги кўтараётган нархда кўп маҳсулотини сотишга ҳаракат қилиб келмоқдамиз.

– Олий маълумотли мутахассисман, – дейди **Сурхондарё вилояти, Денов тумани, "Чуптош" МФЙ яшовчи чўпонлик касб қилган Фаррух Окбев**. – Қўйларни кўпайтириб боқишга меҳрим бандлиги боис шу касбинг бошидан тутганман. Ҳозир 2 минг бошга яқин қўйларим бор. Шунинг мингга яқини ўзимники. Қолганлари ака-ука, опа-сингил ва яқин қариндошларники. Қўйларни эрта баҳордан то қишгача қир-адир, яйлов ва тоғ ён бағирларида боқаман. Ҳар йили туманимиз бозорларига 300 бош қўйни гўшт сифатида топшираман. Бу килограммга ҳисобланса, 1 тонна-ю, 200 килограммга яқин гўшт маҳсулоти бўлади. Туманимизда 1 кг. қўй гўшти 70-80 минг сўмдан сотилмоқда. Бу нархни баъзилар қиммат, дейиши мумкин. Аммо, бу нарх ҳозирги шароитда энг нормал нарх ҳисобланади, назаримда. Боиси, қўйларнинг асосий озуқаси ҳисобланган 1 дона беда пресси 30-35 минг сўм, 1 кг. арпа-нинг бозор нархи эса 5500-6000 сўм. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, битта қўйни боқиб қасбсизга топшириш учун қанча харажат қилишингизга тўғри келади. Қўйларни қишгача яйловларда боққанамиз боис, ҳозиргидек нарх бўлиб турибди...

Таштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ — ИФТИХОРИМИЗ



Ўзбекистон Журналистлар ва Ёзувчилар уюшмаларининг вилоят бўлимлари билан ҳамкорликда "Янги Ўзбекистонда эл азизи, инсон азизи" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партиямиз сафидаги ижодкор ёшлар, талабалар ва ёш тарғиботчилар иштирок этди.

Партия Марказий Кенгаши аъзоси, "Эл-юрт хурмати" ордени соҳи-

би, шоир Зиёвуддин Мансуров, ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши Ёшлар ва хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори раҳбари, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Носиржон Деҳқонов ва бошқа бир қатор таниқли ижодкор партиядошларимиз Мустақиллигимизнинг 31 йиллиги байрамнинг бош ғояси ва унинг моҳияти юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шоир ва журналистлар энг улғуф, энг азиз айём – Мустақиллигимизнинг 31 йиллигини муносиб кутиб олиш таррадуудида элимиз яратувчанлик иштиёқини янада кўтариш бўйича режаларини белгилаб олишди.

Ўз мухбиримиз.

ИЖТИМОЙ СУҒУРТА УЧУН КИМ ПУЛ ТўЛАЙДИ?

Шу кунларда жамоатчилигимиз томонидан Президентимизнинг жорий йил 25 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармонида ижтимоий суғурта жамғармаси ҳақида муҳим вазифалар белгилангани кенг муҳокама этилмоқда. Ижтимоий суғурта нима эканини кенг жамоатчиликка тўғри тушунтириш, албатта, жуда муҳим.

Молия вазирлигининг Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва давлат ижтимоий хизматлари тармоқларида бюджет сиёсати департаменти бош мутахассиси Комила Закирова мухбиримизга ушбу жамғармадан қўзланган мақсадни изоҳлаб, жараёни тушунтириб берди.



жамғармаси маблағлари ҳисобидан унга 4 ой ҳомиладорлик туфайли меҳнатга лаёқатсизлик даврига жами 2 миллион сўм нафақа тўлаб беради. Бир сўз билан айтганда, Меҳнат кодексига асосан бу аёл жами 4 миллион 800 минг сўм миқдорда ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини олиши керак.

Яъни, бу ҳолатда иш берувчи унга 2 миллион 800 минг сўм миқдорда ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини тўлаб бериши керак. Бундай тартиб, ўз навбатида, иш берувчиларни ижтимоий тўловларнинг бир қисмидан озод этади.

Аҳоли томонидан бу нафақани тайинлаш тартиби қандай бўлади, деган мазмунда кўп саволлар келиб тушмоқда. Ҳозирги кунда ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартибига оид лойиҳа ишлаб чиқиш жараёнида. Лойиҳага асосан ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси мурожаат талабисиз тайинланади. Бу бйрон жойга бориб юриш керак бўлмайди, дегани. Аёлга тиббий ташкилот (оилавий поликлинника, туғуруқ муассасаси, қишлоқ врачлик пункти) томонидан ҳомиладорлик ва туғиш меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилганидан сўнг тиббий ташкилотнинг масъул ходими ушбу варақани "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"да электрон рўйхатдан ўтказиши режалаштирилмоқда.

"Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" эса "Электрон ҳукумат" тизими идораларо интеграциялашув платформаси билан ахборот алмашувини қўллаб, аёлни бандлиги ва иш стажини автоматик равишда аниқлайди ва мезонларга жавоб берса, нафақани тайинлайди.

Шундан кейин "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тайинланганлиги ҳақида аёлни телефонига қисқа хабар – СМС юборади.

Лойиҳага асосан ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси аёлни номига очилган актив пластик картаси мавжуд бўлса, нафақа ҳомиладорлик ва туғиш меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бе-

рилган ойдан кейинги ойда ўша картага тўлаб берилиши кўзда тутилган.

Агар аёлни номига очилган пластик карта-си мавжуд бўлмаса, СМСда АТ "Халқ банки"нинг филиалига мурожаат этиши кўрсатилади ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини нақд кўринишда тўлаб берилади.

Иккинчи босқичда ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари иш берувчи зиммасидан олинади. Кейинги босқичларда Ижтимоий суғурта жамғармасининг имкониятларидан келиб чиқиб, касаллик варақалари асосида нафақа тўлаб бериш, иш берувчи тугатилган ҳолларда ишдан бўшатиш нафақасини тўлаб бериш давлат томонидан ижтимоий суғурта орқали амалга оширилади.

Яна бир муҳим йўналиш ижтимоий ёрдамга оид. Ҳозирги кунда 1,82 миллион оила болалар нафақаси ва моддий ёрдам билан қамраб олинган. Яъни, республика бўйича оилаларнинг 22 фоизи давлатдан ижтимоий ёрдам олмоқда. Фармонда "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" орқали оиланинг кам таъминланганлигини аниқлашни рақамлаштириш ишларини изчил давом эттириш кўзда тутилган. Мазкур ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга ижтимоий нафақалар тайинлашга оид меъёрлар доимий такомиллаштириб борилади. Шунингдек, ариза бериш жараёнини соддалаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бунда электрон ариза бериш имконияти яратилиши устидан ишлар олиб борилаётган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳулоса қилганимиз, Стратегиянинг асосий мақсади ижтимоий ҳимоя соҳасидаги барча инструментларнинг самардорлигини ошириш, яъни аҳолига кўрсатилаётган кўмакни янада кучайтиришдир.

**"Ўзбекистон овози" мухбири
Таштемир ХУДОЙҚУЛОВ тайёрлади.**

БИЛАСИЗМИ?



Оналик билан боғлиқ имтиёзлар онасиз болаларни тарбиялаётган оталарга ҳам татбиқ этилади

Аёлларга оналик билан боғлиқ ҳолда бериладиган кафолатлар ва имтиёзлар (туғиш ишларга ва иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб этишни ва хизмат сафарларига юборишни чеклаш, шунингдек кўшимча таътиллари бериш, имтиёзли иш режимларини ўрнатиш ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган бошқа кафолатлар ва имтиёзлар), онасиз болаларни (она вафот этган, оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган, узоқ вақт даволаш муассасаларида бўлган ва болалари тўғрисида она сифатида ғамхўрлик қилмаган бошқа ҳолларда) тарбиялаётган оталарга, шунингдек, вояга етмаган болаларнинг васийларига (ҳомийларига) ҳам татбиқ этилади.



Хусусий тиббиёт муассасалари туғуруқни қабул қилиш тиббий фаолият тури билан шуғулланиши мумкин

Хусусий тиббиёт муассасалари туғуруқни қабул қилиш тиббий фаолият тури билан шуғулланиши мумкин.

Бунда, мазкур тиббий фаолият тури билан шуғулланиш фақат Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг "Хавфсиз оналик" стратегияси талабларига риоя этилишини таъминлай оладиган туғуруқ, жонлантириш, чақалоқларни жонлантириш, муддатига етмай туғилган чақалоқларни парвариш қилиш, эндовизуал гинекология бўлимлари, поликлинника, бактериологик ва клиник-биокимё лабораториялари ҳамда юқори малакали тиббиёт ходимлари мавжуд бўлган муассасаларга рухсат этилади.



Тарозиларни тўсиб қўйиш тақиқланади

Савдо расталари ва бозорларда тарозилар ва бошқа ўлчов приборлари сотувчи-ҳодимларнинг иш жойларида харидорларнинг товарни тортиш ва беришининг бутун жараёнини кўрадиган қилиб ўрнатилиши керак.

Тарозиларни пештахтанинг фасадига томон бурчак остида ўрнатиш, уларнинг олдини товарлар, дарпардалар, инвентарь ва бошқа нарсалар билан тўсиб қўйиш тақиқланади.

Тарозилар ҳар хил тебранишлар ва зириллашларга учрамайдиган мустақкам, барқарор горизонтал жойга ўрнатилади.



Фуқароларни чет элга ишга жўнатиш учун пул ундирилмайди

Хусусий бандлик агентликлари томонидан фуқароларни хорижга ишга жўнатиш учун ҳақ ундириши тақиқланади.

Бунда ишга жойлаштириш бўйича хизматларга ҳақ тўлаш иш берувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Хусусий бандлик агентликларининг ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари учун эса БҲМнинг 1 баравари (300 минг сўм) дан кўп бўлмаган миқдорда ҳақ ундирилиши мумкин.

t.me/huquqiyaxbotot

ЎзХДП Қашқадарь вилоят кенгаши жамоаси партия фаоли **Дилором УМАРОВА**нинг вафоти сабабли унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЭЪТИБОР ВА МЕХР УЧУН РАҲМАТ

Ўтган йили айрим "Меҳрибонлик" уйлари фаолияти тугатилиб, кўплаб оилалар болаларни ўз бағрига олди. Болалар меҳрни ҳис қилиб улғайиши, билим олиши, тарбия топиши учун ташкил этилган оилавий болалар уйлари фаолияти изга тушяптими? Болалар оилаларга ўргандими, меҳрни ҳис эзтяптими?

Албатта, давлат ва жамият болаларни унутиб қўйгани йўқ, зарур ёрдамлар ажратилди, ажратилмоқда. Кунни кеча Президентимиз имзолаган "Оилавий болалар уйлари фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор ҳам яхши янгиллик бўлди. Қарорга кўра, жорий йил сентябрь ойидан давлат бюджетидан болаларни қаромоғига олган оилаларга янада кўпроқ маблағ ажратилади, болаларни соғломлаштириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, касб-ҳунар ўрганишлари учун эътибор янада кучаяди.

Қашқадарь вилояти, Шахрисабз шаҳридан:

– Ўтган йили ноябрь ойида 6 қиз, 1 ўғил асраб олдик. Ўзимнинг фарзандларим бўлмаган. Турмуш ўртоғим дурадгор бўлиб ишлади. Мен ҳисобчиман. Болаларни бағримизга олганимизда кичиги 9, каттаси 12 ёшда бўлишган. Аввалига бизга, оиламизга мослаша олармикан, деб ўйладим роса. Лекин 3 кунда бир-биримизга ўрганиб кетдик. Ҳозир ўз уйида яшашади. Қизларим пишириқлар, овқат тайёрлашни қизиқиб ўрганишди. Ўтган йилги ўқув йилини яхши баҳоларга тамомлашди. Ҳаммасининг ўқишлари яхши. Аъло баҳоларга ўқийди. Ўқув йили охирида менга, қизларимга ташаккурнома беришди. Айни пайтда янги ўқув йилига тайёрланяпти.

Амир Темура майдони олдида яшаймиз. Ҳар кун кечки вақтда югуришга чиқамиз. Болалар санъат мактабларига турли тўғарақларга боришади. Рухшона билан Милана дутор чалишга, Ниғина рақсга, кичкинама гуллар яшашга қатнашади. Аслан боксга боради. Битирувчи қизларини

репититорга қўйганман. Кеча битта қизим имтиҳон топширди. Қарши педагогика институтига ҳужжат топширган. 14-чи санада иккинчи қизимнинг имтиҳони. Улар билан баробар ҳаяжонданман, қўлларим дуода.

Болаларимни вақти келса эркалайман, баъзан танбех бера-



ман. Бегона қилишмайди. Танбех берсам, бироз хафа бўлишади, яна бироздан сўнг қулиб-ўйнаб кетишади. 7 тасининг характери 7 хил. Бири эрка, бири босиқ. Миланам эркарок, Рухшона билан Маржона оғиррок, босиқ. Ҳар бирининг характерига қараб муомала қиламиз.

Асланбек ихтироларга қизиқади, нималардир ясашга ҳаракат қилади. Ҳўжайинининг устахонасида иш ўрганади, ўзига ёқадиган нарсалар ясайди. Кўпинча отаси билан вақт ўтказиши.

Кунни кеча қабул қилинган Президент қарорига кўра, оилавий болалар уйидаги тарбияланувчиларга ҳудудда жойлашган давлат спорт мажмуалари, маънавий-маърифий масканлар, тўғарақлар, от спорти секциялари, "Ишга марҳамат" мономарказлари ва бошқа ўқув марказларидаги тўғарақлар ва курсларга бепул қатнашиш ҳуқуқи бериларкан. Фарзандларимнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, касб-ҳунар эгаллаши учун бу жуда яхши имконият. Биз ҳам ундан, албатта, самарали фойдаланамиз.

Шунингдек, болаларимиз йилига бир марта соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиши учун бепул йўлланмалар ҳам ажратиларкан. Яна республикамизнинг тарихий шаҳарларига бир йилда икки марта бепул саёҳатлар ҳамда театр томошалари ва концерт дастурлари ташкил этилиши болаларимизни ҳам хурсанд қилди. Бундай инсонпарвар, меҳрли қарорлар кўп бўлишини хоҳлаймиз, давлатимиз

ғамхўрлигини ҳис қилиб яшаётганимиздан мамнунмиз.

**Феруза АБДУРАҲМОНОВА,
Наманган вилояти,
Наманган шаҳридан:**

– 4 ўғил, 1 қизни оиламиз бағрига олганмиз. Ўзимнинг 3 нафар боғча ёшидаги фарзандларим ҳам бор. 5 болажоннинг ҳаммаси бу йил олий ўқув юртига кириш арафасида. Кетма-кет имтиҳонлардан ўтишяпти. Ҳозир ҳам Отабегимнинг имтиҳонини кутяптимиз, ҳаяжондамиз.

Болалар оиламизга тез кўникиб кетишди. Илгари "Меҳрибонлик" уйида бирга бўлганим учун мендан бегонасирашмаган, муносабатларимизда муаммолар бўлмади, ҳаммаси яхши. Қариндошларимиз ҳам уларни жуда яхши кўришади. Ўзига таътилни ҳам кўпроқ қишлоқдаги қариндошларимизникида ўтказишди. Тўй-маросимларда ҳам худди ўзиникидай ўйнаб-қулишади. Қизим Лолахон менга ёрдамчи. Ақлли, чаққон. У ҳам олий ўқув юртига қаттиқ тайёрланди. Улар учун дуодаман. Яхши ўқиб, яхши касб эгалари бўлишларини, юртимизга, элимизга нафи тегишини истайман.

Шунингдек, Президент қарорига мувофиқ, оилавий болалар уйидаги тарбияланувчилар давлат даволаш-профилактика муассасалари томонидан бир йилда икки марта бепул тўлиқ тиббий текширувдан ўтказилиши белгиланмоқда. Бу ҳар бир ота-она учун муҳим. Чунки фарзандларининг саломатлиги уларнинг энг катта бойлигидир. Болаларимиз оғримаса, яхши кайфиятда юрса, саломат улғайишса, шу бизнинг асосий мақсадимиз.

**Гулрўх ОДАШБОЕВА
тайёрлади.**

REKLAMA O'RNIDA

+30 Корақалпоғистон Республикаси
+35 Хоразм

+31 Бухоро
+36 Навоий

+31 Тошкент Самарқанд
+36 Жиззах Сирдарё

+32 Қашқадарё
+37 Сурхондарё

+30 Андижон Наманган
+35 Фарғона

+32 Тошкент шаҳри
+34

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

ВАТАНПАРВАРЛИК

ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗ



Бугун кўчаларимизда турли русумдаги автомашиналар ҳаракатланиб, узоғимизни яқин қилмоқда. Йилдан-йилга транспорт воситаларининг сони ортиб бормоқда. Ўз-ўзидан тажрибали ва малакали ҳайдовчилар тайёрлаш ҳам бугуннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

– Гапингиз тўғри, – дейди “Ватанпарвар” ташкилоти “Чилонзор ўқув-спорт техника клуби” унитар корхонаси раҳбари Марат Аҳмедов. — Мен ҳам кўпинча шу хусусда ўйлайман. Мақсадимиз малакали мутахассислар тайёрлашга қаратилган. Бунинг учун бизда барча имкониятлар мавжуд. Бўлғуси ҳайдовчиларга сабоқ бераётган ўқитувчиларнинг ҳаммаси олий маълумотли, катта тажрибага эга. Кези келганда алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти республика кенгаши раиси Хусан Ботиров, Тошкент шаҳар кенгаши раиси Фарҳод Алимходжаев, шунингдек, Чилонзор тумани ёшлар агентлиги бўлим бошлиғи Баҳодир Зиёвуддинов, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бизга амалий ёрдам кўрсатиб, тегишли тавсия беришмоқда. Бу эса ўқитиш жараёнида назария ва амалиётни уйғун олиб боришимизга қўл келмоқда. Корхонамиз томонидан “В” ва “ВС” тоифадаги ҳайдовчилар тайёрланади. Малакали ҳайдовчилар тайёрлаш учун бизда етарли ўқув базаси ҳамда транспорт воситалари мавжуд. Мақсадимиз ватанпарвар ёшларни тайёрлаб, касбли қилиш.

Марат Аҳмедов билан суҳбат жараёнида шуни англадикки, корхона билан ҳудуддаги давлат ва жамоат ташкилотлари билан муштаҳкам алоқа ўрнатилган. Туман ҳокимининг маҳалла

бўйича ёрдамчиси Раҳматилло Абдуҳақимов, “Қозиробод” маҳалла раиси Абдуфаттоҳ Раҳмонов, “Катта қозиробод” маҳалла раиси Абдусамат Муталов ва бошқа ҳамкорлар уларга яқин кўмакчи экан.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтсак. Ҳозир кўпгина соҳа вакилларига автомашинани бошқариш зарурати пайдо бўлди. Мисол учун, тиббиёт соҳаси ходимлари керакли вақтда транспорт воситасини бошқариб, беморни тегишли тиббиёт муассасига етказиши керак. Шунинг учун ҳам корхона билан ҳудуддаги тиббиёт коллежлари, халқ таълими, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳарбий таълим факультети сингари қатор ўқув даргоҳлари ўртасида ҳамкорлик меморандуми тузилган. Ёшлар асосий мутахассислигидан ташқари, “Ватанпарвар” ташкилотидан ўқиб, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига ҳам эга бўлишади. Бундан нафақат ёшлар, балки уларнинг ота-оналари ҳам хурсанд бўлишмоқда. Негаки, ўғил-қизлари бир пайтнинг ўзида икки мутахассисликка эга бўлишмоқда.

– Биз, – дейди гапида давом этиб Марат Аҳмедов, – “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларни имтиёзли ўқитамиз. Яна бир енгиллик ҳақида тўхталсам. Фуқароларимизнинг имкониятини ҳисобга олиб, уларга қўлайлик яратиш мақсадида ўқишнинг бошланғич тўлови 30 фоиз қилиб белгиланган, тўловнинг қолган қисмини ўқиш давомида бўлиб-бўлиб тўлашлари мумкин. Ўқув жараёни замонвий жиҳозланган марказда олиб борилади, бўлғуси ҳайдовчиларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, автомашинлар таъмири бўйича ҳам етарлича кўникма берилади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти ўқув муассасалари ва ўқув спорт техника клублари автоматотранспорт воситалари ҳайдовчилигига ҳамда касб-хунарга ўқитиш бўйича узоқ йиллик тажрибага эга.

Ташкилот ўқув муассасаларида турли тоифадаги автоматотранспорт воситалари ҳайдовчилигига ва касб-хунарга ўқитиш ўқув жараёни тасдиқланган намунавий ўқув дастурларга ҳамда давлат талабларига асосан ташкил қилинган. Шу билан бирга, “Чилонзор ўқув-спорт техника клуби” унитар корхонасида юк ортувчи транспорт, автогидроподёмник, юк машинаси крани, ғилдиракли



трактор, битта ковшли экскаватор техникаларини бошқариш бўйича мутахассислар тайёрланади.

“Ватанпарвар” ташкилотларида таълим олаётган фуқаролар ва уларнинг оила аъзолари учун ташкилотнинг спортнинг техник ва амалий турлари бўйича спорт тўғарақларида бепул шўғулланиш имконияти мавжуд.

– Корхонамизда ёшлар ўртасида спортнинг техник ва амалий турларини тарғиб қилиш ва оммавийлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган, – дейди Марат Аҳмедов фикрини давом эттириб. — Бунинг учун бизда моддий-техник ва ўқув маънавияти етарли. Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашнинг муҳим бўғини – спортнинг техник ва амалий турларига жалб қилиш муҳим вамавийлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Биз кўпроқ мактаб ва маҳаллага чиқиб, ёшларни касбга йўналтириш, спортга жалб қилишга катта эътибор қаратамиз. Мақсад уларни ҳаётга ва

– Гапингиз тўғри, – дейди “Ватанпарвар” ташкилоти “Чилонзор ўқув-спорт техника клуби” унитар корхонаси раҳбари Марат Аҳмедов. — Мен ҳам кўпинча шу хусусда ўйлайман. Мақсадимиз малакали мутахассислар тайёрлашга қаратилган. Бунинг учун бизда барча имкониятлар мавжуд. Бўлғуси ҳайдовчиларга сабоқ бераётган ўқитувчиларнинг ҳаммаси олий маълумотли, катта тажрибага эга.

ҳарбий хизматга тайёрлаб, спортга ойна қилиб тарбиялашди. Энг муҳими, улар вақтини фойдали ишга сарфлашади. Ўқиш ҳаракатида юрган, бир ҳунарни эгаллаш мақсадида интилган ёшлар нотўғри йўللارга кирмайди.

“Ватанпарвар” ташкилоти “Чилонзор ўқув-спорт техника клуби” унитар корхонасига киришингиз билан кенг майдон, замонавий ўқув хоналари кайфиятингизни кўтаради. Назарий билимларни олганлар амалий ўқув машқ майдонида тажрибали йўриқчилар ёрдамида автомобилни бошқариш ҳамда уни таъмирлаш бўйича етарли билимга эга бўлишади. Шунинг учун ҳам туман ҳудудида яшовчи аҳолининг аксарияти “Ватанпарвар” ташкилотидан ўқиб, касбли бўлишни афзал билишапти. Назаримизда, бу тўғри танлов ва тўғри йўл. Негаки, бу ерда нафақат ҳайдовчилар тайёрланади, балки ёшларга садоқат ва ватанпарварлик туйғуларини сингдирилади. Уларни эзгу ишларга йўналтирувчи сабоқ ҳам берилади.

Равшан ШОДИЕВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

ДЕНОВДА РАДАРНИ ЎҒРИЛАМОҚЧИ БЎЛИШДИ

Ўғрилар одатда бойликка хирс қўяди. Айрим устаси фаранглар тиллага ошфута бўлса, баъзилари дуру жавахирни қўлга киритиш пайига тушади. Доллар ва пул ўмарганларни тез-тез эшитиб қоламиз. Замонавий техника, чорва моллари, қўйингки, қўлга “илинади”-ган нарсадан тап тортмайдиган устамонлар ҳам бор орамизда.

Аммо Деновда содир бўлган ажабтовур ва ғайритабиий ўғриликдан кўпчилик ҳайрон. Ака-укалар – Абдуваҳоб, Абдурахмон ва Адҳамжон Рўзиевларнинг радарга “кўз олайтирган”идан кимдир лол бўлса, бошқа биров таажжубда. Чунки, бундай ҳайратланарли ҳамда ғаройиб “уддабуронлик” одатда камдан-кам содир бўлади-да.

Хўш, тезликни аниқлайдиган ускуна уларга нега керак бўлиб қолди? Уни ўмаришдан кўзланган асл мақсад нима?

“Шамоли” маҳалласида яшовчи оға-инилар шу йилнинг 19 июль кунини Абдурахмон Рўзиев бошқарувидаги “Нексия” русумли автомашинада йўлга чиқади. “Чуқурқишлоқ” маҳалласидан ўтувчи “М-41” автомобиль йўлининг 1494–96 километрга етганларида радарни кўриб қолишган. Атрофда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилган ака-укалар ўзаро маслаҳатлашган ҳолда уни ўғриламоқчи бўлишади.

– Хизмат вазифамни бажарётганимда мослама яқинида “Нексия” тўхтади, – дейди Сурхондарё вилоят ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси инспектори Ботиржон Саидов. – Уч нафар йигит ускуна машинага олиб кетаётганда уларнинг олдида бордим. Ўзимни таништириб, нима қилаётганларини сўрадим. Шунда Абдурахмон ушбу мослама сабабли 11 миллион



сўм жарима келиб чиққанини айтиб, мени роса ҳақорат қилди. Ақиси ва ўқаси ҳам унга қўшилди. Учовлоннинг “хурмача қилиқ”лари натижасида республика аҳамиятига молик йўлда қисқа муддатли тирбандлик кузатилди. Ҳайдовчи ва йўловчиларнинг осойишталиги бузилди. Нимани эксанг шуни ўрасан, дейди доно халқимиз. Радарга “ишқи” тушганларнинг кингир ишлари ўзларига ташвиш келтирди. Жиноят ишлари бўйича Денов туман судининг 2022 йил 19 июлдаги қарори билан Абдуваҳоб, Абдурахмон ва Адҳамжон Рўзиевларнинг ҳар бирига 15 суткадан маъмурий қамоқ жазоси тайинланди. Шу билан бир қаторда давлат фойдасига 2 миллион 250 минг сўм ундирилган бўлди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.



MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOVATOV Muslihidin MUHIDDINOV
Ulug'bek VAFOYEV Hayotxon ORTIQBOYEVA
Maqsuda VORISOVA Shuhrat ISLOMOV
Qalandar ABDURAHMONOV Toshtemir XUDYOQULOV
Guliston ANNAQILICHEVA

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Telefonlar: (71) 276-10-91, (71) 276-20-67.

E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 841. 1850 nusxada bosildi. O'za yakuni — 23:45
Nashr ko'rsatkichi — 220. Topshirilgan vaqti — 00:15
t — Tijorat materiallari 1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.